

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ
“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ”
КАФЕДРАСИ

“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”
“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси
мудир
_____ *О.Тошпулатов*
“ _____ ” _____ *2016 йил*

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИНГ
тушунтириш-ҳисоблаш хати ёзуви

Битирув малакавий ишининг мавзуси:

**Мавзу: Банкларда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва уларни
такомиллаштириш(Фарғона шаҳар банклари мисолида)**

Битирув-малакавий иши таркиби:

Тушунтириш-ҳисоблаш хати: _____ бет.

Битирувчи:

49-12 (БХ ва А) гуруҳ талабаси
Обиджонов Иззатбек
Баҳодирович

Раҳбар:

кат.ўқит. В.Якубов

Ф а р ғ о н а – 2016 йил

МУНДАРИЖА

Кириш

1.Боб. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида пул маблағлари ҳисобини ташкил этишнинг назарий ва меъёрий асослари

1.1 Банкларнинг келиб чиқиши ва моҳияти

1.2 Банклар ва банк фаолиятининг қонуний асослари

1.3 Тижорат банклари, уларнинг вазифалари ва функциялари

2.Боб. “Агробанк” АТБ нинг Фарғона ҳудудий филиалида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳисоби ва уларни расмийлаштирилиши

2.1 Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва уларнинг ташкил қилиниши

2.2 Тўлов топширикномалари бўйича ҳисоб-китоблар, уларнинг ҳисоби ва расмийлаштирилиши

2.3 Тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китоблар, уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳисобга олиниши

2.4 Аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар, уларнинг ҳисобга олиниши ва расмийлаштирилиши

2.5 Инкассо топширикномалари бўйича операцияларнинг ҳисоби ва расмийлаштирилиши

2.6 Чеклар билан ҳисоб-китоблар қилиш тартиби, унинг расмийлаштирилиши ва ҳисоби

2. 7 Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича банк назорати

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

КИРИШ

Мамлакатни модернизация қилиш шароитида нақд пулсиз ҳисоб китоблардан самарали фойдаланиш корхоналар иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминловчи асосий омилларидан биридир. Чунки корхоналар фаолиятининг узлуксиз давом этишини таъминлаш учун зарур ишлаб чиқариш захиралари ва меҳнат воситалари сотиб олиш, давлат бюджетидан ташқари воситалар учун тўловларни амалга ошириш учун маълум миқдорда нақд пулсиз ҳисоб китоблар амалга оширилади. Шунинг учун ҳам корхоналар мавжуд пул маблағларини юқорида кўрсатилган мақсадларга сарфлашда иқтисодий жиҳатдан манфаатли ва тежамли бўлган ҳамда корхонага ўз маблағларидан самарали фойдаланиш имконини беришни биринчи навбатда ҳисобга олиш зарур.

Маълумки, иқтисодиёт ривожланишининг барча босқичларида нақд пулсиз ҳисоб китоблар алоҳида аҳамиятга эга бўлган ва уларни ҳисобга олиш тартиби ўша даврдаги иқтисодиётнинг ривожланиши даражасидан келиб чиққан. Чунки ҳар қандай босқичда иқтисодиётнинг ривожланиши у ёки бу моделига амал қилган ва унинг ажралмас қисми сифатида эса бухгалтерия ҳисоби иштирок этган. Тараққиётнинг юқори поғонасига кўтарилиш эса ҳар доим иқтисодий фанларнинг, чунончи бухгалтерия ҳисобининг ривожланишини ҳам белгилаб берган ва уларга таъсир этган. Бозор муносабатларининг шаклланиши ва унинг чуқурлашуви нақд пул билан ҳисоб китоблар ҳисобининг услубий асослари ва уларнинг ҳаракатини ифодаловчи кўрсаткичларнинг сифат жиҳатидан ўзгаришини талаб қилмоқда. Шунинг учун ҳам нақд пул билан ҳисоб китобларнинг ҳисобини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни тубдан қайта кўриб чиқишни талаб қилди. Шу асосда Республикамизда нақд пулсиз ҳисоб китоблар ҳисобини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатлар охириги йилларда мамлакатни модернизация қилиш иқтисодиёти ривожлантириш талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилди ва бу бухгалтерия

ҳисобининг услубий асосларини тўла ислоҳ қилинишини таъминлай олмади. Чунки асосий эътибор ташқи фойдаланувчиларни қизиқтирадиган кўрсаткичларни ишлаб чиқишга қаратилди ва бу борада анча муваффақиятларга ҳам эришилди. Тўғрироғи нақд пулсиз ҳисоб китобларни халқаро андоза талабларига анча яқинлаштиради ва уларни ҳисоблаш учун зарур маълумотлар билан таъминловчи бухгалтерия ҳисоби эса эскича қолаверади.

Корхона, ташкилотлар ва муассасаларда амалга оширадиган ҳар қандай фаолият тури пул маблағларини талаб қилади. Корхона пул маблағлари асосида маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан, шунингдек қимматбаҳо қоғозларни ва мол мулкни сотишдан келиб тушади. Янги ташкил бўлаётган корхоналарга эса таъсисчилар устав капиталини шакллантириш учун банкдаги ҳисоб рақамига нақд пул топшириши ёки ўтказиб бериши мумкин.

Корхона, ташкилотлар ва муассасаларда ўзига тегишли бўлган пул маблағларини ўзининг асосий ва қўшимча фаолиятни ривожлантириш, товар моддий қийматликларини сотиб олиш, ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи тўлаш, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг кўрсатган хизматлари учун сарфлаши мумкин.

Республикамизнинг миллий валютасини қадрли бўлишини таъминлаш мамлакатимизнинг энг асосий иқтисодий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу масала бўйича мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов шундай деб таъкидлаган эди: "қачон миллий валюта кучли ва обрўли бўлса, иқтисодиёт ўшандагина мукамал бўлади".

Корхоналарнинг банкдаги ҳисоб китоб ва валюта счетларида сақланаётган пул маблағлари мамлакатимиз иқтисодиётининг пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Чунки улар банкларни актив операцияларини жонлантирилишини таъминлайди, миллий ва чет эл валюталарининг ишлаб чиқариш жараёнидаги айланишини тезлаштиради ва у бунда бирданига иккита муҳим вазифани бажаради. Биринчидан,

корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилиш йўли билан пулнинг айланишини ва миллий валюта ҳисобига яратилаётган ялпи ички маҳсулот ва ялпи миллий даромадни ўсишини таъминлайди. Иккинчидан эса, корхонанинг ҳисоблашиш ва валюта счетлари пул маблағларини ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилганлиги учун банк ўз мижозларига ҳам маълум миқдорда ҳақ тўлайди.

Шундай қилиб, пулнинг биринчи вазифаси мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қилса, иккинчи вазифаси эса корхоналарга маълум миқдорда даромад келтиради.

Пул маблағларининг корхона иқтисодиётида тутган ўрни унинг асосий вазифаларини бажариш учун бухгалтерия ҳисоби бошқарув аппаратини тегишли маълумотлар тўплами билан таъминланиши зарур. Бунинг учун эса пул маблағлари ҳисобининг олдида қуйидаги асосий вазифалар туради:

- Корхона ташкилотлар ва муассасалар нинг пул маблағларини самарали бошқариш учун зарур маълумотлар билан таъминлаш;
- тўлов ва ҳисоб-китобларни пул муомалаларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган тартибларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида амалга ошириш;
- ҳисоб регистрларида пул маблағларини нақдлиги ва ҳаракатларини ўз вақтида акс эттириш;
- пул маблағларининг белгиланган мақсадларга сарфланиши, смета ва лимитларга амал қилишини назорат қилиш;
- пул маблағларининг инвентаризациясини белгиланган муддатларда ўтказишини таъминлаш ва ўзаро ҳисоб-китоблар, муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини тўланишини назорат қилиш;
- кассада сақланаётган пул маблағларининг сақланишининг назоратини таъминлаш;
- пул ресурсларининг ҳаракат оқимини прогнозлаш ва оптимизация қилиш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш.

Ушбу масалаларнинг муваффақиятли бажарилиши корхонанинг пул

маблағларидан самарали фойдаланишни таъминловчи бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятини яратади. Албатта, юқоридаги вазифаларни бажариш учун пул маблағларининг бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиш зарур бўлади. Шунинг учун ҳам битирув малакавий ишнинг мазкур мавзунини ёритишга бағишланганлиги унинг долзарблигидан далолат беради.

Битирув малакавий ишининг мақсади банкларда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ҳисобини ташкил этиш ва уни такомиллаштиришдан иборат.

Битирув малакавий ишининг объекти бўлиб Фарғона ОАТБ “АГРОБАНК” фаолиятидаги пул маблағлари бўйича хўжалик операциялари ҳисобланади.

Битирув малакавий ишда қуйидагилар асосий вазифалар бўлиб ҳисобланади:

- банк фаолиятида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни турлари бўйича пул оқимларининг ролини аниқлаш ва уларни бошқариш зарурлигини кўрсатиб бериш;
- нақд пулсиз ҳисоб-китоб операцияларини ҳисобини ташкил этишнинг назарий асосларини ёритиб бериш;
- нақд пулсиз ҳисоб-китоб операцияларини ҳужжатларда расмийлаштириш тартибини ўрганиш ва уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- нақд пулсиз ҳисоб-китоб операциялари ҳисобини ташкил қилиш ва уни такомиллаштиришга қаратилган амалий таклифлар бериш;

Битирув малакавий иш кириш, икки боб ва хулоса қисимларидан иборат.

1.Боб. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида пул маблағлари ҳисобини ташкил этишнинг назарий ва меъёрий асослари

1.1 Банкларнинг келиб чиқиши ва моҳияти.

Банк деб пул маблағларини йиғувчи, сақлаб берувчи, кредит-ҳисоб ва бошқа ҳар хил воситачилик операцияларини бажарувчи муассасаларга айтилади.

Банклар пайдо бўлишининг асоси бўлиб товар-пул муносабатларининг ривожланиши ҳисобланади. Товар-пул муносабатларининг бўлиши ва уларнинг ривожланиб бориши барча ижтимоий-иқтисодий тузумларда банкларнинг ҳам бўлишини тақозо қилади.

Банклар ўрта асрларда пулдорлар томонидан пулни қабул қилиш ва бошқа давлат, шаҳар пулига алмаштириб бериш асосида келиб чиққан. Кейинчалик пулдорлар ўз бўш турган маблағларидан фойда олиш мақсадида уларни вақтинча фойдаланишга маблағ зарур бўлган субъектларга ссудалар беришган. Бу ҳол пул алмаштирувчи пулдорларнинг банкирларга айланишига олиб келган.

Банк сўзи италянча «banca» сўзидан олинган бўлиб «стол», аниқроғи «пуллик стол» деган маънони англатади. Ўрта асрларда италиялик пулдорлар ҳамёнларидаги, идишларидаги тангаларни стол устига қўйиб ҳисоб-китоб қилганлар.

XII асрларда Генуяда пул алмаштирувчиларини «bancherii» деб аташган. Агар пулдорлардан бирортаси ишончни оқламаса ва ишига маъсулиятсизлик қилса, у ўтирган стол синдириб ташланган ва уни «Banco rotto», яъни банкрот деб аташган. Яъни, бизга маълум бўлган “банкрот” сўзи ҳам италянча «banca* сўзидан олинган.

Банклар пайдо бўлишининг бошланғич нуқтаси бўлиб XVI асрда

Флоренция ва Венецияда ташкил қилинган кичик жиро-банклар ҳисобланади. Кейинчалик шундай банклар Амстердамда (1605 й.), Гамбургда (1618 й.), Миланда, Нюрнбергда, Генуяда вужудга келган. Бу банклар асосан ўз миждозлари-савдогарларга хизмат қилган, улар ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни олиб борган. Бу банклар ўз миждозларини монеталар таркиби бузилиши туфайли зарар кўришдан ҳимоя қилган. Улар ҳисобларни маълум суммадаги қимматбаҳо металлни ифодаловчи махсус пул бирлигида олиб боришган, ўзларининг бўш пул маблағларини жиробанклар давлатга қарзга, чет эл савдогарларига ссудага берган.

Англия банк тизими (XVI аср) юзага келган ва ривожланган биринчи давлат ҳисобланади. Англия банкирлари олтин (олтинни сақлаб бериш) билан шуғулланувчилар (масалан, биз бу соҳада Лондонда банк ишини илк бор ривожлантирган Чайльд номли пулдорни айтишимиз мумкин) ва савдогарлардан келиб чиққан.

Тарихда биринчи юзага келган банк Англия банки ҳисобланиб, у 1694 йилда акционер банк сифатида ташкил бўлган. Бу банк акционер-эмиссион банк бўлиб, унга давлат томонидан банкнотлар чиқаришга рухсат берилган. Кейинчалик саноат ривожланиши натижасида банклар бошқа мамлакатларда ҳам ташкил қилиниб борган. Банкларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар ва талабларнинг ошиши, савдо капитали айланишининг тезлашуви билан боғлиқ бўлган. Натурал хўжалик муносабатларининг тугаши савдо-сотик муносабатларининг ривожланиши пуллик ҳисоб-китоблар олиб боришга, кредитнинг ривожланишига йўл очди. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ёлланма меҳнатни жалб қилишга олиб келган. Ёлланма меҳнат учун ҳақнинг пул шаклида тўланиши, доимий пул айланишини юзага келтирди. Пул айланишини эса банк томонидан бошқариш зарур эди. Шундай қилиб, банклар маблағларни йиғиш ва тақсимлаш орқали ссуда капитали ҳаракатини бошқара бошлади. Ссуда капиталистидан фарqli ўлароқ банкир тадбиркор сифатида ўз иш фаолиятини олиб борган.

Агар саноат соҳасидаги пулдор ўз капиталини саноатга, савдогар савдога қўйса, банкир ўз капиталини банк ишига қўяди. Ссуда капиталисти асосан ўз бўш капиталини қарзга берса, банкирлар асосан четдан жалб қилинган маблағларга таянади. Ссудага маблағ берувчи пулдорнинг даромади ссуда фоизи бўлса, банкирнинг даромади — банк фойдаси ҳисобланади. Банклар корхона, ташкилот, давлат муассасалари, аҳоли бўш-пулларини жалб қилиш орқали катта ҳажмдаги капитални ўз қўлларида жамлайдилар ва даромад келтирувчи капитал ҳаракатини бошқариб борадилар. Банкларнинг йириклашуви ва улар фаолиятининг такомиллашуви уларнинг махсус корхоналар - кредит муассасаларига айланишига олиб келади.

Шундай қилиб, банк фаолияти халқ хўжалигида мавжуд бўлган бўш маблағларни жалб қилиш ва ссуда капиталини тақсимлашни ўз ичига олади. Банк ўз фаолияти давомида маълум даромадга эга бўлади. Бу даромад банк жалб қилган ресурсларга тўлайдиган фоиз билан жойлаштирган ресурслар бўйича оладиган фоиз ўртасидаги фарқ (маржа)дан иборат бўлади.

Банклар бажарадиган функциялар уларнинг бажарадиган вазифаларига қараб турли хил бўлиши мумкин. Бу мавзуда биз банкларга тааллуқли бўлган умумий функциялар тўғрисида гапириб ўтмоқчимиз. Кейинги мавзуларда биз алоҳида-алоҳида олинган ҳолда биринчи ва иккинчи звено банкларининг функциялари тўғрисида фикр юритамиз.

Шундай қилиб, банк тизими миқёсида олиб қарайдиган бўлсак банклар куйидаги **функцияларни** бажаради:

- вақтинча бўш турган маблағларни йиғиш ва капиталга айлантириш;
- кредит муносабатларида воситачилик қилиш;
- тўлов жараёнларида воситачилик қилиш;
- муомалага кредит воситаларини чиқариш.

Халқ хўжалигидаги вақтинча бўш **турган маблағларни йиғиш ва уларни капиталга айлантириш** — банкларнинг илк функцияларидан бири ҳисобланади. Бу функциянинг амалга оширилиши натижасида бир томондан,

хукукий ва жисмоний шахслар жалб қилинган маблағлари бўйича маълум миқдорда даромадга эга бўладилар, иккинчи томонидан, бу маблағлар банкларнинг кредитлаш қудратини ташкил қилади ва шу ресурсларга асосланган ҳолда банклар ссуда операцияларини олиб борадилар.

Вақтинча бўш маблағлар банклар иштирокисиз бир корхона (тармоқ) томонидан иккинчи корхона (тармоқ)га вақтинча фойдаланишга бериладиган бўлса, бу муносабатларни ташкил қилишда маълум қийинчиликлар юзага келиши мумкин:

кредитга сўралаётган сумма билан кредитга берилиши мумкин бўлган сумма ўртасида номутаносиблик бўлиши;

ортиқча бўш маблағга эга бўлган корхонанинг маблағларни вақтинча фойдаланишга берадиган муддати маблағ зарур бўлган корхонани қониқтирмаслиги;

банклар иштирокисиз корхоналарни тўғридан тўғри кредитлашда қарз берувчи қарз олувчи корхонанинг молиявий аҳолини тўлиқ ўргана олмаслиги мумкин. Қарз олувчининг тўловга лаёқатсиз бўлиши кредитор корхонанинг ҳам молиявий аҳолининг ёмонлашувига ва бошқа салбий ҳолларга олиб келиши.

Халқ хўжалигидаги барча бўш пул маблағларининг банк томонидан йиғилиши натижасида вужудга келадиган кредит ресурслари ҳисобидан қарз олувчи корхонага зарур бўлган суммада, зарур бўлган муддатда кредит беришга имконият яратилади. Ундан ташқари банк корхоналарнинг тўловга лаёқатлилигини ҳар томонлама таҳлил қилиши, уларнинг молиявий аҳолини яққолроқ баҳолаб бера олиши мумкин.

Ўзбекистонда икки звеноли банк тизимини ташкил қилишга 1988 йилдан бошлаб киришилган бўлсада, бу мақсаднинг тўлиқ амалга оширилишига шароит 1994 йилдан бошлаб юзага келди. Бу даврга келиб Марказий банкнинг ташкилий таркибий асоси, фаолият олиб бориш услуби ўзгарди, тижорат банкларнинг сони ва улар бажарадиган операциялар салмоғи ошиб борди.

1.2 Банклар ва банк фаолиятининг қонуний асослари.

/

Банк - тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган қўйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир:

- юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш;

- тўловларни амалга ошириш.

Омонат (депозит) - талаб қилиниши биланоқ ёки тўловни амалга оширувчи шахс билан тўловни олувчи шахс ёхуд уларнинг қонуний вакиллари ўртасида келишилган муддатда фоизлар ёки устама ҳақ тўлаган ҳолда ёхуд бундай тўловларсиз ҳаммасини қайтариб бериш шарти билан топшириладиган пул суммаси.

Чет эл банки - чет эл банкининг ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширадиган шўъба банки бўлиб, унинг устав капиталининг ҳаммаси чет эл банки томонидан тўланади.

Банк фаолиятининг субъектлари. Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган ҳамма банклар банк фаолиятининг субъектларидир.

Банклар фаолиятининг ҳуқуқий асоси. Банклар фаолияти ушбу Қонун, "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонун, бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб борилади.

Банк операциялари. Банклар ўз фаолиятларида қуйидаги банк операцияларини амалга оширадилар:

- жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, вакил банкларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китобқилиш;

- омонатларни жалб этиш;

кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан

кредитлар бериш.

Банклар бошқа турдаги операцияларни ҳам амалга оширишлари мумкин, чунончи:

- маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш;

чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш;

пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш;

учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш;

учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш;

қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажариш;

банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатиш;

жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандикларни ижарага бериш;

молиявий лизинг;

ҳалқаро банк амалиётига мувофиқ, лицензияда махсус кўрсатилган бошқа операциялар. Банклар бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмаслар.

Банклар фаолиятини лицензиялаш.

Банк, шу жумладан, чет эл банки, Ўзбекистон Республикасида ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширади. Лицензияда банк бажарадиган операциялар рўйхати кўрсатилади.

Лицензиясиз амалга ошириладиган банк фаоляти гайриқонуний деб ҳисобланади ва бундай фаолият натижасида олинган даромад давлат бюджетига олиб кўйилиши лозим.

Фирма номи. "Банк" атамаси ёки мазкур атама кўшиб ясалган сўз бирикмаларини Қонунга мувофиқ банк операцияларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ташкилотлар ўз фирма номида ёки реклама мақсадларида ишлатишлари мумкин.

Ушбу талабни бузиш Қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Банклар ташкил этиш ва уларнинг фаолятини тугатиш тартиби.

Банк муассислари Банклар, қоида тариқасида, мулкчиликнинг ҳар қандай шакли асосида акциядорлик жамияти тарзида ташкил этилади.

Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эллик юридик ва жисмоний шахслар банк муассасалари бўлиши мумкин, башарти, қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва жамоат фондлари бундан мустасно.

Ҳар бир акциядорнинг устав капиталидаги иштирокининг энг кўп улуши қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Банкларнинг акцияларини олиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Банк муассислари банк акциядорлари таркибидан у рўйхатга олинган кундан бошлаб бир йил мобайнида чиқиб кетиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Банкнинг бошқа банкларнинг устав капиталида иштирокига йўл қўйилмайди, чет эл капитали иштирокидаги банклар ва шўъба банклар ташкил этиш ҳоллари бундан мустасно.

Банк устави. Банклар ўз уставлари асосида фаолият кўрсатадилар. Банк уставида банкнинг (тўла ва қискартирилган) номи ва қаерда жойлашганлиги (почта манзили);

банк операцияларининг рўйхати, устав капиталининг миқдори, муассислар рўйхати ва устав капиталидаги улушларнинг тақсимоли;

банкнинг бошқарув органлари, уларни ташкил этиш тартиби, уларнинг ваколатлари ҳамда вазифалари ҳақидаги маълумотлар;

банк аудити тартиби, шу жумладан, бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига мувофиқ белгиланган ҳисоботлар ва аудиторлик дастурларининг мақсадлари кўрсатилган бўлиши лозим. Банк уставида, ушбу моддада белгиланган талаблардан ташқари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган маълумотлар ҳам бўлиши керак.

Банк уставига киритиладиган ўзгартишлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим. Банкнинг устав капитали. Банкнинг устав капитали банк муассислари ва акциядорлари тўлаган пул маблағларидан ташкил топади.

Кредитга ва гаровга олинган маблағлардан ҳамда бошқа жалб этилган маблағлардан банкнинг устав капиталини шакллантириш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди. Алоҳида ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ банкнинг устав капиталини шакллантириш учун бюджет маблағларидан фойдаланилиши мумкин. Энг кам устав капитали банк муассислари томонидан уни рўйхатга

олиш пайтигача тўланиши керак. Устав капитали учун тўланадиган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкида ёки бошқа банкларда очилган жамғариш ҳисобварағига ўтказилади. Кўрсатилган маблағлардан депозит сифатида фойдаланиш мумкин. Банклар устав капиталининг энг кам миқдори Марказий банк томонидан белгиланади.

Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш. Банклар Марказий банкда рўйхатга олинган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўладилар.

Рўйхатга олиш тартиби ва шартлари Марказий банк томонидан белгиланади.

Рўйхатга олиш билан бир вақтда банкларга банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия топширилади. Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш ҳақ эвазига амалга оширилади.

Банкларнинг филиаллари Марказий банкда рўйхатга олинади ва ўз фаолиятларини уларни ташкил этган банкка берилган лицензия асосида амалга оширадилар.

Банк очиш учун олдиндан Марказий банкнинг рухсатномасини олиш асослари ва муддатлари. Лицензия беришдан олдин Марказий банк аризачиларга банк ташкил

этиш соҳасидаги фаолиятларини давом эттириш имконини берадиган дастлабки рухсатномани беради. Дастлабки рухсатномани бериш тўғрисидаги қарор ариза ва у билан бирга барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб кўпи билан уч ой ичида қабул қилинади ва муассисларнинг молиявий имкониятларини ҳамда обрўсини, банк рағбарлигига таклиф этилаётганларнинг касб малакаларини, бизнес-режани, молиявий режани, капиталнинг тузилишини, тегишли банк бинолари ва ускуналар билан таъминлаш имкониятларини баҳолашга асосланади.

Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш муддати Банкни рўйхатга олиш ва унга лицензия бериш учун муассислар дастлабки рухсатнома олинган кундан бошлаб узоғи билан олти ой муддатда қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни бажаришлари керак. Банкни рўйхатга олиш ва унга лицензия бериш ҳақидаги қарор Марказий банк талаблари бажарилган кундан кўпи билан бир ойлик муддатда чиқарилади.

Банкларни рўйхатга олишни ва уларга лицензия беришни рад этиш асослари Марказий банк қўйидагиларга асосланиб банкни рўйхатга олишни ва унга лицензия беришни рад этиши мумкин:

- банкни рўйхатга олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар топширилмаганлиги;
- таъсис ҳужжатларининг қонун ҳужжатларига номувофиклиги;
- бир ёки бир неча муассиснинг молиявий ахволи қоникарсизлиги;
- муассислар молиявий маблағларининг манбалари эълон

қилинмаганлиги;

- банкни рўйхатга олиш пайтигача энг кам устав капиталининг тўланмаганлиги;
- банк раҳбари ва бош бухгалтери лавозимларига номзодларнинг бу касбга номувофиклиги.

Банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензия чақириб олиш асослари Марказий банк қуйидаги ҳолларда банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензияни чақириб олиши мумкин:

- банк тўловга қобилиятсиз бўлиб қолганида, пасивлар активлардан қўпайиб кетганида;
- лицензия беришга асос бўлган маълумотларнинг нотўғрилиги аниқланганда;
- банк ўз омонатчилари ва бошқа кредиторлари олдидаги мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаганида;
- ҳисобот маълумотлари мунтазам равишда бузиб кўрсатилганда;
- қонун ҳужжатларига ва лицензия шартларига зид келадиган банк операциялари амалга оширилганда;
- лицензия берилган пайтдан эътиборан банк операцияларини амалга ошириш бир йилдан ортиқ муддатга кечикканда;
- монополияга қарши қоидалар бузилганда;

Ўзбекистон Республикасида ўз шўъба банкни ташкил этган чет эл банкдан лицензия чақириб олинганда.

Чет эл капитали иштирокида банклар таъсис этиш ва уларнинг фаолиятига нисбатан қўйиладиган қўшимча талаблар Марказий банк чет эл капитали иштирокидаги банклар олдига қўшимча талаблар қўйиш, шу жумладан, чет давлатлар банкларидан улар ўзлари жойлашган ва рўйхатга олинган ердаги текширув органи назорати остида эканликларининг тасдиқномасини талаб қилиш ҳуқуқларига эга. Чет эл банкларига лицензиялар, башарти, чет давлат банки ўз мамлакатада қайтариб бериш шарти билан пул депозитлари ва бошқа бойликларни қабул қилиш

хукукига эга бўлсагина берилади.

Банкларнинг филиал ҳамда ваколатхоналари Банклар Ўзбекистон Республикасида ўз филиалларини, чет эл банклари эса ўз ваколатхоналарини Марказий банкнинг рухсати билан очишлари мумкин.

Банк филиали уни ташкил этган банк номидан банк фаолиятини амалга оширувчи алохида бўлинмадир.

Банклараро операциялар.

Банклар шартнома асосида маблағларни депозитлар, кредитлар шаклида бир-бирларидан жалб этиши ва бир-бирига жойлаштириши, ташкил этадиган ҳисоб-китоб марказлари ва вакиллик ҳисобварақлари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириши ҳамда лицензияда назарда тутилган бошқа ўзаро операцияларни бажариши мумкин.

Банкларнинг ҳисоб-китоб қилиш тартиби.

Банклар ва уларнинг мижозлари ҳисоб-китобларни Марказий банк белгиладиган тартибда амалга оширадилар. Кўрсатилган тартибни бузганлик учун улар қонун ҳужжатларида белгиланган тарзда жавобгар бўладилар.

Кредитлар қайтарилишини таъминлаш.

Банклар қонун ҳужжатларига мувофиқ кўчар ва кўчмас мулкни гаровга қўйиш, кафолат бериш, кафилликка олиш ва мажбуриятлар асосида кредит берадилар.

1.3 Тижорат банклари, уларнинг вазифалари ва функциялари

Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан банк — бу тижорат муассасаси бўлиб, жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг бўш турган пул маблағларини жалб қилиш ва уларни ўз номидан, тўловлилик, муддатлилик, қайтиб бериш шарти асосида жойлаштириш операцияларини ва бошқа банк операцияларини бажаради.

Баъзи адабиётларда банк — бу корхона деб ҳам изоҳ берилади.

Маълумки, банк яхлит олинган корхона сифатида ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширмайди. Тижорат банкларининг фаолиятини корхона фаолиятига шу жиҳатдан ўхшатиш мумкинки, тижорат банклари ҳам корхоналар сингари ўз фаолиятини ўз даромадини кўпайтиришга ва шу асосда, биринчидан, ўз асосчилари — акционерларнинг манфаатларини, иккинчидан, ўз мижозларининг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат.

Тижорат банкларини бизнинг фикримизча шунчаки корхона эмас, махсус корхона деб қараш зарур. Чунки тижорат банклари ссуда капитали ҳаракатини амалга оширади ва шу асосда банк ўз акционерларига, пайчиларига фойда олишни таъминлақди.

Тижорат банклари банк тизимининг муҳим бўғини бўлиб, кредит ресурсларининг асосий қисми шу банкларда йиғилади ва бу банклар ҳуқуқий, жисмоний шахсларга хизматларини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари банк тизимининг Марказий банкдан кейинги иккинчи поғонаси ҳисобланади.

1987 йилдан бошлаб ташкил қилинган банк тизими бозор иқтисоди тамойилларига мос келувчи банк тизимининг бошланғич пиллапояси ҳисобланади. Охирги йилларда тижорат банкларининг сони, улар бажарадиган операциялар, уларнинг устав фонди ва қўйилмалар салмоғи ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 30 га яқин тижорат банклари фаолият кўрсатмоқда. Салмоқли устав фонди, кредит ресурслар ва мижозларга эга бўлган — катта банклар Ўзбекистон саноат қурилиш банки, Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки, Пахта банк, Асакабанк ва бошқалар кенг фаолият олиб бормоқда. Тижорат банкларни ташкил қилишдаги устав капитали миқдори 1 январь 2000 йилда 2,5 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги маблағга эга бўлиши лозим.

Тижорат банкларнинг белгиларига қараб қуйидаги турларга бўлиш мумкин. Мулкчилик шаклига қараб банклар: давлат банкига, акционер банкларга, кооператив, хусусий, минтақавий, аралаш мулкчиликка асосланган банкка бўлинади. Юксак ривожланган мамлакатларда тижорат

банкларнинг аксарият қисми мулк шакли бўйича акционер банк ҳисобланади.

Акционер банклар акционер жамият каби очиқ турдаги ёки ёпиқ турдаги акционер банклар бўлиши мумкин. Акционерлар сафига кириш акцияларни сотиб олиш йўли билан амалга оширилади. Ҳуқуқий ва жисмоний шахслар банкларнинг акцияларини сотиб олиши ва акционерлари бўлиши мумкин.

Баъзи тижорат банклари пайлар (бадаллар) ҳисобидан ташкил қилиниши мумкин. Бу турдаги банкларнинг қатнашчилари ҳам ҳуқуқий ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

Хусусий банклар — жисмоний шахснинг пул маблағлари ҳисобидан ташкил қилинган банклар ҳисобланади.

Бажарадиган операцияларига қараб тижорат банклар — универсал ва махсус банкларга бўлинади.

Универсал банклар хилма-хил операциялар бажариш, ҳар хил хизматлар амалга ошириш хусусиятига эга бўлади. Махсус банклар маълум йўналишларга хизмат кўрсатиб, ўз фаолиятини шу йўналишларда ютуқларга, самарадорликка эришишга бағишлайди. Бундай банкларга тармоқларга хизмат кўрсатувчи банклар, экспорт-импорт операцияларини олиб боровчи банклар, инвестиция банклари, замин банклар кириши мумкин.

Жойлашиш белгисига қараб тижорат банклар: халқаро, республика, минтақавий, вилоят банкларига бўлиниши мумкин.

Тармоқларга хизмат кўрсатишга қараб: саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалик, савдо ва бошқа банкларга бўлиниши мумкин.

Бозор иқтисоди шароитида банкларининг аҳамияти, уларнинг иқтисодга таъсири ўсиб бормоқда. Кредит муассасалари аҳоли, корхона, ташкилотлар, компанияларнинг бўш пул маблағларини йиғиш ва жойлаштиришдан ташқари, капитал жамғаришга, ҳаракатланувчи капитал ёрдамида корхоналарнинг хўжалик фаолиятини такомиллаштиришга ёрдам беради ва корхоналар фаолияти устидан назорат олиб боради.

Банклар ва унинг кредити ёрдамида мавжуд капитал тармоқлар

ўртасида, ишлаб чиқариш ва муомала соҳасида тақсимланади ва қайта тақсимланади.

Саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги соҳасида қўшимча инвестицияга бўлган талабларни молиялаштириб, банклар халқ хўжалигида прогрессив ютуқларга эришишни таъминлаши мумкин.

Тижорат банкларининг иқтисодий аҳамияти унинг фаолият доирасининг кенг бўлишига олиб келади.

Тижорат банклари қуйидаги **асосий вазифаларни** бажаради.

1. Вақтинча бўш турган пул маблағларни йиғиш ва уларни капиталга айлантириш.
2. Корхона, ташкилотлар, давлат ва аҳолини кредитлаш.
3. Муомалага кредит пуллар (муомаланинг кредит воситалари)ни чиқариш.
4. Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ва тўлоштарни амалга ошириш.
5. Молия-валюта бозорида фаолият кўрсатиш.
6. Иқтисодий-молиявий ахборотлар бериш ва консультация хизматларини кўрсатиш.

Банклар бўш пул маблағларини йиғиш ва уларни капиталга айлантириш функциясини бажара туриб мавжуд бўш пул даромадлари ва жамғармаларни йиғади. Жамғарувчи (бўш пул маблағи эгаси) ўз маблағларини банкка ишониб топширгани учун ва банк бу маблағлардан фойдалангани учун маълум фоиз ҳисобида даромад олади. Буш пул маблағлари ҳисобидан ссуда капитали фонди вужудга келади ва бу фонд халқ хўжалиги тармоқларини кредитлаш учун ишлатилади.

Тижорат банклар фаолиятида асосий ўринни корхона, ташкилотларни, аҳолини, кредитлаш эгаллайди. Кредитлаш жараёнини ташкил қилишда банк молиявий воситачи вазифасини ўтайди. У бўш турган маблағларни жалб қилади ва ўз номидан мижозларга вақтинча фойдаланишга беради. Банк кредити ҳисобидан халқ хўжалигининг муҳим тармоқлари — саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва бошқалар молиялаштирилади ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга асос бўлади.

Муомалага кредит пулларни чиқариш функцияси тижорат банкларни бошқа молия институтларидан ажратиб туради. Тижорат банклари депозит-кредит эмиссия қилганида, ссудалар берганида пул массаси ошади ва ссуда банкка қайтарилганда муомалада пул массаси камаяди.

Тижорат банклари кредит пулларни яратишнинг эмитенти ҳисобланади. Тижорат банк томонидан мијозга берилган кредит унинг ҳисоб рақамига ўтказилади ва банкнинг қарз мажбурияти ортади. Мијоз бу маблағнинг маълум қисмини нақд пул шаклида ҳисоб рақамидан олиши мумкин. Бу ҳолда муомалада пул массасининг миқдори ошади. Шунинг учун ҳам тижорат банклар фаолияти устидан Марказий банк назорат олиб боради.

Тижорат банкларнинг муҳим функцияларидан бири ҳисоб-китобларни олиб боришдир. Ҳисоб-китобларни олиб боришда банк мијозлар ўртасида воситачи бўлиб хизмат қилади.

Тижорат банклари яна қимматбаҳо қоғозлар чиқариш ва жойлаштириш билан шуғулланиши мумкин.

Тижорат банклари иқтисодий аҳволни назорат қила бориб мијозларга ҳар хил ахборотлар, маслаҳатлар бериши мумкин.

Акционер тижорат банкларнинг юқори органи — акционерларнинг умумий йиғилиши ҳисобланади. Ҳар йили акционерларни йиғилиши уставдаги ва устав капиталидаги ўзгаришларни, йиллик фаолият ва унинг натижаларини, банк даромадларини тасдиқлаш, банк кенгаши таркибини сайлаш, банкнинг шўъба муассасаларини ташкил қилиш ва бекор қилиш каби масалаларни кўриб чиқиши мумкин.

Тижорат банклари қуйидаги **операцияларни** бажаради:

- пассив операциялар;
- актив ссуда операциялар;
- баик хизматлари ва воситачилик операциялари;
- банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширадиган операциялар ва бошқалар.

Тижорат банкларни очишга лицензия (рухстанома)ни Марказий банк

беради. У тижорат банклар фаолиятини олиб бориш бўйича иқтисодий меъёрлар белгилаб беради ва уларнинг бажарилишини назорат қилиб боради.

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларининг фаолияти фойда олишга йўналтирилган бўлади. Бозор иқтисоди шароитида банк фойдасининг иқтисодий моҳияти янгича ижтимоий-иқтисодий тус олиб бормоқда, чунки тижорат банкларининг фойдаси банк капитали тўпланишининг ва банкнинг ривожланишининг асосий манбаидир.

Банк фойдасининг ўсиб боришига таъсир қиладиган бир неча омиллар бўлиб, булар: банкнинг рентабеллиги, вақтинча бўш маблағларни самарали ишлатилиши, турли хил пуллик хизматлар доирасини (факторинг, лизинг, траст хизматлари ва ҳ.к.) кенгайтириш, фойда келтирмайдиган активларни камайтириш, фойда келтирувчи активларни кўпайтириш ҳисобига ва бошқа омиллар ҳисобланади. Иқтисодий ривожланиш босқичида тижорат банкларининг асосий иш тамойилларидан бири юқори даражада фойда олишга қаратилган бўлади. Банкларнинг фаолияти доимо фойда кўриш билан боғлиқ бўлмасдан, улар фаолиятида зарар кўриш эҳтимоли ҳам учраб туриши мумкин. Банклар фаолияти ижобий бўлган ҳолларда банкларнинг фойда олиш ва салбий фаолият натижасида банкларнинг зарар кўриш эҳтимоли юқори даражада бўлади. Юқорида айтилган фойда келтирувчи резервларни амалда тадбиқ қилиш жараёнида банкнинг иш фаолияти иқтисодий жиҳатдан риск (зарар кўриш эҳтимоли) билан боғлиқ бўлади.

Тижорат (акцияли, пай асосида ва хусусий тартибда ташкил қилинган) банклар ҳуқуқий ва хусусий шахсларга «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги» қонунда назарда тутилган операцияларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш орқали шартнома асосида кредит, ҳисоб-китоб ва бошқа хил банк хизматларини кўрсатади.

Тижорат банклари устав капитали кимга қарашли эканлигига ва уни ташкил қилиш услубига қараб, бажарилаётган операцияларнинг тури, фаолият кўрсатиш ҳудуди ва тармоқ белгиларига қараб бир-биридан фарқ қилади. Республикада, минтақаларда кўзда тутилган маълум дастурларни

бажариш ва ўзга фаолият турларини пул маблағлари билан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа ҳужжатларида назарда тутилган тартибда махсус тижорат банклари ташкил этилиши мумкин.

Тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан тегишли лицензияни олганларидан кейин чет эл валютасида операциялар амалга оширадилар.

Тижорат банклари ўз уставлари асосида иш олиб борадилар. Давлат тижорат банкининг устави банкни тузишга қарор қилган орган томонидан тасдиқланади. Шерикчилик асосида тузилган тижорат банкининг устави муассислар (катнашувчилар) йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Банкнинг уставида қуйидаги бандлар бўлади:

- банкнинг номи ва унинг манзилгоҳи (алоқа манзилгоҳи);
- банк амалга оширадиган операцияларнинг рўйхати;
- банк ташкил этадиган фондларнинг рўйхати;
- устав фондининг миқдори;
- банкнинг ҳуқуқий шахс эканлиги ва ўзини ўзи молия билан таъминлаши негизида ишлаши тўғрисидаги низом;
- банкнинг бошқарув идоралари, уларнинг таркиби ва тузилиши тўғрисидаги низом;
- банкка қаршли муассасаларнинг рўйхати ва уларнинг мақоми;
- банк ва унинг филиалларини ташкил этиш, ҳамда уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби;
 - фаолияти тўғрисидаги маълумотларни матбуотда эълон қилиш мажбурияти (тартиби).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ўзаро муносабатлари акс эттирилган бўлиши лозим.

Шерикчилик асосида тузилган банкнинг устави юқорида келтирилган талаблардан ташқари, акцияли жамиятлар ва масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисидаги амаллардаги қонунларда кўрсатилган талабларга жавоб бершли лозим.

Банк уставига банк фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бошқа қоидалар ҳам киритилган бўлиши мумкин. Уставга ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси қонунларидага ўзгаришлар муносабати билан киритилади.

Акционер тижорат банкларининг устав фонди қатнашчиларнинг бадаллари ҳисобидан ёки акциялар чиқариш ва сотиш ҳисобидан вужудга келтирилади.

Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг ҳамма бўлимлари ва уларнинг ижроия органлари, сиёсий ташкилотлар ва ихтисослашган жамоат фондларидан ташқари барча ҳуқуқий ва ҳусусий шахслар тижорат банкларининг муассислари (ҳиссадорлари), акционерлари бўлишлари мумкин.

Бир акциядорнинг тижорат банки устав капиталидаги улуши 2000 йил 1 январдан бошлаб, устав капитали умумий миқдорининг 20%, 2001 йилнинг 1 январидан бошлаб 13% ва 2002 йилнинг 1 январидан бошлаб 7% дан ошмаслиги лозим (давлат улуши чет эл капитали иштирокидаги банклар ва ҳусусий банклардан ташқари).

Тижорат банклари Ўзбекистон Республикасининг солиқ тўғрисидаги амалдаги қонунларига мувофиқ солиқлар тўлайдилар.

Қуйидаги маблағлар банкларнинг **ўз маблағлари** ҳисобланади:

- устав капитали;
- резервлар ва фойда ҳисобига вужудга келадиган ҳамда банкнинг балансида турадиган бошқа фондлар;
- тақсимланмаган фойда, акциячилар ёки пайчилар ўртасида акцияларни тақсимлаш ҳисобига ёхуд пай миқдорини ошириш ҳисобига олинган маблағлар.

Тижорат банклари йўл қўйилиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун олинадиган фойдадан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгилаб қўйилган тартибда резерв фондларини ташкил этадилар.

Тижорат банклари шартнома асосида бир-бирларининг маблағларини депозит, кредит шаклида жалб этишлари, жойлаштиришлари, ўз уставларида кўрсатилган бошқа ўзаро операцияларни амалга оширишлари мумкин.

Мижозларга кредит бериш ва ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариш учун маблағ етишмай қолган тақдирда тижорат банклари кредит ресурслари олиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мурожаат қилишлари мумкин.

Тижорат банклари операциялари бўйича фоиз ставкалари уларнинг ўзлари томонидан мустақил белгиланади.

Банклар билан миждозлар ўртасидаги муносабат шартномавий тавсифга эга бўлади.

Мижозлар ўзларига кредит ва касса хизмати кўрсатадиган банкни мустақил танлайдилар.

Тижорат банклари қимматли қоғозлар бўйича операциялар олиб борадилар.

Тижорат банклари фонд бозорларининг келишувларида актив ва бевосита илгирок этавермайдилар. Масалан: АҚШдаги тижорат банкларига қимматли қоғозлар билан бўладиган операцияларни ўтказиш фонд биржаларига аъзо бўлиш таққланади. 1933 йилда (Гласс-Стигал қонуни) қабул қилинган қонунга мувофиқ тижорат банклари саноат компанияларининг облигациялари ва акциялари чиқаришни ташкил қилишда иштирок эта олмайдилар. Шунга карамай қонунда жуда кўп истиснолар мавжуд бўлиб, улардан бири банкка пулларни оператив қўйиш.

Давлат қимматли қоғозларини чиқаришни ташкил этиш, штат ва маҳаллий ҳокимият органларининг облигациялари, шунингдек турли халқаро ташкилотлар ва федерал муассасалар чиқарган қарз ҳужжатлар (мажбуриятлари) билан ишлаш ҳуқуқини беради. Булардан ташқари банкларга ўзларининг миждозлари ҳисобига саноат компанияларининг акция ва облигацияларини сотиш ва сотиб олиш каби брокерлик функцияларини бажариш рухсат этилган. Шу билан бирга Америка тижорат банклари саноат

компаниялари ва фирмаларнинг акция пакетларини ҳақиқий эгаси сифатида траст операцияларининг (қимматбаҳо қоғозлар портфелларини бошқариш операциялари) катга ҳажмини амалга оширадilar.

АҚШда тижорат банклари брокер фирмалари ва инвестицион компанияларнинг асосий кредиторлари ҳисобланади. АҚШнинг еттига йирик инвестицион компанияларининг 40 дан 80%гача активлари тижорат банклари кредити ҳисобидан таъминланади.

Японияда тижорат банкларининг фонд биржаларига аъзо бўлиши таъқиқланган. Лекин улар лицензия олган ҳолатда қимматли қоғозларни ҳамма турини ўзларининг ҳисоб рақамлари бўйича ёки мижозларнинг топшириқлари бўйича сотиш ва сотиб олиш (брокер компаниялари ва биржага аъзо бўлган фирмалар воситачилигида) ҳуқуқига эгадирлар. Булардан ташқари тижорат банклар давлатнинг қимматбаҳо қоғозлари билан бўлган тез муддатли операцияларни амалга оширишлари мумкин. Узоқ вақт Япония тижорат банкларида янги қимматли қоғозларни воситачилик функцияларини амалга ошириш ҳуқуқлари бўлмаган. Фақат 1981 йили уларга давлат облигацияси ва саноат компаниялар облигациясини биржа ташқарисида воситачилик қилишга рухсат этилган. Шунингдек, япон тижорат банкларига мижозларнинг қимматли қоғозларини бошқариш ман этилган.

Банк муассасаларнинг қимматли қоғозлар билан бўладиган операцияларига актив қатнашишига Германия тажрибаси ёрқин мисол бўла олади.

Бу давлатда қимматли қоғозлар билан бўладиган ҳамма операцияларда фақатгина тижорат банклари қатнашиш ҳуқуқига эга. Аслида Германия давлатида брокер компаниялар ва фирмалар йўқ. Тижорат банкнинг функциялари универсалиш мижозларнинг талаб ва эҳтиёжларига юқори даражада жавоб беради. ГФРнинг қимматли қоғозлар бозорини банк муассасаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Уларнинг бу бозорда аҳамияти жуда катта.

Тижорат банкларининг асосий операциялари. Тижорат банкларининг пассив операциялари.

Банк ресурсларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган операциялар банкларнинг пассив операциялари дейилади. Пассив операциялар ёрдамида тижорат банкларнинг пассив ва актив-пассив ҳисоб рақамидаги пул маблағларининг салмоғи ошиб боради. Банкларнинг пассив операциялари уларнинг фаоллигини ташкил қилишда катта роль ўйнайди. Пассив операциялар ёрдамида тижорат банклари кредитлаш учун зарур бўлган кредит ресурсларини ташкил қилади.

Тижорат банклари пассив операцияларининг асосан тўртта шакли мавжуд:

1. Қимматбаҳо қоғозларни муомалага чиқариш йўли билан ресурслар йиғиш;
2. Фойда ҳисобидан ҳар хил фондлар ташкил қилиш ёки фондлар суммасини ошириш;
3. Бошқа кредиторларнинг маблағларини жалб қилиш;
4. Депозит операцияларни амалга ошириш.

Тижорат банкларининг ресурслари банкнинг ўз маблағлари, жалб қилинган ва эмитентлашган маблағлар ҳисобидан шаклланади.

Юқорида келтирилган пассив операцияларнинг биринчи ва иккинчи шаклларида банкларнинг ўз маблағлари юзага келади ва қолган охириги икки шаклида кредит ресурсларнинг иккинчи қисми жалб қилинган ресурслар юзага келади.

Банкларнинг ўз маблағларига банкнинг устав капитали, резерв капитали, махсус фондлар, моддий рағбатлантириш фонди, бошқа ҳар хил ташкил қилинган фондлар ва тақсимланмаган фойдаси киради. Амалиётда банк пассивларининг 20 фоизи банкларнинг ўз маблағларига тўғри келади.

Банкларнинг ўз маблағлари ичида асосий ўринни банкнинг ўз капитали эгаллайди. Банкнинг ўз капитали таркибига биз юқорида келтириб ўтган капиталнинг бир қисми, яъни устав капитал, рискларни қоплаш учун ташкил

қилинган резерв фонд, тақсимланмаган фойда киради. Банкларнинг ўз капитали банк кредиторларининг манфаатини ҳимоя қилиш, банк фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш, банк фаолиятини бошқариш каби функцияларни бажаради.

Банкнинг устав капитали суммаси банк уставида кўрсатилади ва банк ишини бошлашнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Банкларни ташкил қилишнинг шаклларига қараб банкнинг устав капитали ҳам ҳар хил ташкил топади. Агар банк акциядорлик жамияти тариқасида ташкил қилинадиган бўлса, устав капитали ёки фонди акциялар чиқариш ва жойлаштириш йўли орқали ташкил топади. Банкларнинг устав капитали суммаси қонун йўли билан чегараланмайди. Банкларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида унинг минимал миқдори белгилаб берилди.

Банкнинг устав капитали унинг баланснинг пассивида кўрсатилади. Устав фонди суммасининг оширилиши банк акционерлари томонидан умумий йиғилишда ҳал қилинади.

Банкларнинг устав капитали уларнинг мажбуриятларини бажаришнинг асоси бўлиб хизмат қилади Банк кредитлари ҳисобидан банкларнинг устав капиталини ташкил қилиш мумкин эмас. Устав капиталини ташкил қилишда четдан бошқа пул маблағларини жалб қилиш ҳам мумкин эмас. Банклар ташкил қилинганда устав капиталининг таркиби моддий маблағлардан ва пул маблағларидан ташкил топади. Банк фаолиятининг бошланғич босқичларида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан биринчи навбатдаги банк харажатлари (ер, бино, асбоб-ускуна, иш ҳақи) қoplanadi. Банкларнинг ўз маблағлари узоқ муддатли активларга қўйилмалар қилишининг асосий манбаси ҳисобланади.

Одатда марказий банк тижорат банклари учун банкларнинг ўз маблағлари билан четдан жалб қилинган ресурслар ўртасидаги чегарани белгилаб беради. Ўзбекистонда бу нисбат 1:20 миқдорида белгиланган.

Банкларнинг акционер кагштали қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил тошиши мумкин. Булар:

а) ўз акционер капитали, бу капитал оддий ва имтиёзли акциялар чиқариш ва сотиш ҳисобидан, тақсимланмаган фойда ҳисобидан юзага келади;

б) ҳар хил кўзда тутилмаган харажатларни ва тўланмаган қарзларни қоплаш учун ташкил қилинган резервлар;

в) банкнинг узоқ муддатли мажбуриятлари (узоқ муддатли вексель ва облигациялар) бўлиши мумкин.

Банкларнинг резерв капитали ёки резерв фонди фойдадан ажратмалар ҳисобга ҳосил бўлади ва кўзда тутилмаган зарарлар ҳамда қимматбаҳо қоғозлар курсининг тушиши натижасидаги йўқотишларни қоплаш учун мўлжалланган.

Тақсимланмаган фойда — резерв фондига ажратмалар ва дивидендлар тўлаганидан сўнг қоладиган фойданинг бир қисмидир.

Банкларнинг ўз маблағлари тижорат банклари фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Банкларнинг ўз капитали ҳиссасининг камайиши баъзи ҳолларда банкларнинг синишига олиб келади.

Жалб қилинган маблағлар тижорат банкларининг кредит ресурсларининг асосий қисмини ташкил этади.

Булар депозитлар, шунишдек контокоррент ва корреспондент счётларидаги маблағлардир.

Уларнинг асосийси йўқлаб олинадиган қўйилмаларга, тезкор ҳамда жамғарма қўйилмаларга бўлинувчи депозитлардир.

Йўқлаб олинадиган қўйилмалар, шунингдек жорий счётлар омонатчиларнинг биринчи талаблари билан олинади. Жорий счётнинг эгаси банкдан чек дафтарчасини олади. Бунда у пул олиш билан бирга иқтисодий муносабатлар вакиллари бўлган корхона, ташкилот, муассасалар билан ҳисоб-китоб операцияларини олиб бориши мумкин.

Муддатли омонатлар — мижоз томонидан банкка маълум муддатга қўйиладиган қўйилмалар бўлиб, улар орқали мижозларга банк томонидан

юқори фоизлар тўланади. Бунда фоиз ставкалари қўйилмасининг муддати ва миқдорига боғлиқ бўлади.

Тижорат банкларининг актив операциялари

Мобилизациялашган пул маблағларидан банклар миждозларни кредитлаш учун ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш учун фойдаланади. Даромад олиш мақсадида банк ресурсларини жойлашгариш билан боғлиқ бўлган операциялар банкларнинг **актив операциялари** дейилади. Банкларнинг актив операцияларида асосий ўринни уларнинг кредит ёки ссуда операциялари эгаллайди.

Тижорат банклари фаолиятида турли хил рисклар учраб туради, лекин уларнинг фаолиятига кўпроқ кредит rischi, ликвидлилик rischi ва фоиз ставкаси rischi таъсир қилади. Тижорат банклар фаолиятининг асосий қисми кредитлар бериш ва шу асосда фойда олишга йўналтирилган бўлганлиги учун улар фаолиятида бу рискларнинг салмоғи ҳам юқори бўлади.

Таснифланган кредитларнинг қайси гуруҳга кириш даражаси тез сотиладиган активлар ва юқори ликвид маблағларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 9 ноябр 1998 йилда тасдиқланган 242-«Активлар сифатини таснифлаш мумкин бўлган йўқотишлар бўйича тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар юқорида келтирилган мезонлар бўйича «яхши», «стандарт», «субстандарт», «шубҳали», «умидсиз» ёки «ишончсиз» кредитларга таснифланади.

2-БОБ.”Агробанк” АТБнинг Фарғона ҳудудий филиалида Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳисоби ва уларни расмийлаштирилиши.

2-1. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва уларининг ташкил қилиниши

Бозор иқтисодиёти шароитида халқ хужалигини ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири - пул айланишини туғри ва аниқ ташкил қилишдан иборат, чунки бозор иқтисодиёти товар-пул муносабатларининг ҳолати ва тараккиёти билан ҳамбарчас боғлиқдир. Корхона ва ташкилотлар узларининг хужалик фаолиятлари жараёнида доимо бир-бирлари билан алоқада буладилар. Улар уртасида товар айирбошлаш жараёни пул ва пулли ҳисоб-китоблар ёрдамида амалга оширилади. Товар айирбошлашнинг узи эса пул айланишининг моддий асоси бўлиб ҳисобланади, унинг асосида бошқа пулли муносабатлар вужудга келади. (солик органлари, пенсия фонди, банк муассасалари ва бошқалар). Пулли муносабатларда

пул шаклларидан фойдаланиш хусусиятлари ва тулов усулларига кўра пул айланиши нақд пулли ва нақд пулсиз пул айланишига бўлинади.

Чакана савдо ва аҳолига пуллик хизмат курсатиш асосан нақд пулда амалга оширилади. Бундан ташқари, нақд пулли айланишга коммунал хизматлар учун туловлар, маиший хизматлар учун туловлар, ишчи ва хизматчиларга иш хаки ва ва унга тенглаштирилган туловларни тулаш, сугурта ташкилотларига бадаллар тулаш, уй-жой қурилиши ва бошқа мақсадлар учун олинган кредитларни қайтариш ва бошқа туловлар киради. Нақд пул айланиши умумий пул оборотининг тахминан 10 фоизини ташкил этади.

Халқ хужалигида буладиган пул айланишининг 80-90 фоизини нақд пул ишлатмасдан, нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари асосида олиб борилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар деганда, корхона ва ташкилотларнинг товар айирбошлаш, хизмат курсатиш ва товарсиз операциялар бўйича бир-бирига булган талаб ва мажбуриятларни нақд пул ишлатмасдан пул маблағларини бир ҳисобварақдан иккинчи ҳисобвараққа утказиш орқали амалга оширилиши тушунилади. Нақд пулсиз пул айланиши ялпи ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида содир буладиган муносабатларини узида акс эттиришига кўра икки қисмга бўлинади:

1. Товар операциялари бўйича пул айланиши.
2. Молиявий мажбуриятлар бўйича пул айланиши.

Биринчи гуруҳга товарларни сотиш, хизматлар курсатиш ва капитал қурилиш жараёнидаги ҳисоб-китобларни акс эттирувчи пул айланиши киради. Иккинчи, молиявий мажбуриятлар, гуруҳига эса бюджетга туловлар, яъни фойдадан туланадиган солиқ, қушилган қиймат солиғи ва бошқа мажбурий туловлар ҳамда бюджетдан ташқари фондлар, банк ссудаларини қайтарилиши, кредит учун фоизларнинг туланиши, сугурта компаниялари билан ҳисоб-китоблар киради.

Нақд пулсиз айланиш пулли муносабатлар иштирокчиларининг жойлашувига қараб бир шаҳар ичидаги ва шаҳарлараро пул айланишига бўлинади. Бир шаҳар ичидаги пул айланиши бир ҳисоб марказига қарашли банклар уртасидаги ҳисоб-китоблар мажмуини билдиради. Шаҳарлараро пул айланиши эса турли ҳисоб марказларига қарашли банклар уртасида амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар

йигиндисидир. Лекин республикамизда банк тизимининг ривожланиши, «электрон туловлар» тизимига утиш асосида хисоб-китобларнинг тезлиги ва сифатининг ошиши натижасида хисоб-китобларда иштирок этувчи субъектларнинг жойлашувига караб иккига булиш мақсадга мувофиқ бўлмай қолди. Чунки хисоб-китобларда қатнашувчи субъектлар қайси ҳудудда жойлашганидан қатъий назар, туловлар бир неча соатда, ҳаттоки бир неча дақиқада ўтказилади.

Нақд пулсиз хисоб-китобларни ташкил этишда бир қатор тамойилларга асосланилади.

Бу тамойиллар қуйидагилардир:

1. Ҳар бир ҳужалик субъекти ўз пул маблағларини банкларда очилган депозит ҳисобварақларда сақлашлари лозим. Корхона ва ташкилотлар ўзаро хисоб-китобларини бевосита банкдаги ҳисобварақлар орқали амалга оширишлари шарт. Қайси банкда ҳисобварақ очишни мижозларнинг ўзлари танлайдилар.

2. Ҳисоб-китоблар туловчининг розилиги билан ёки унинг топшириғига асосан депозит ҳисобварақдаги маблағи эвазига амалга оширилади. Корхона банк кредитидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлса, туловлар банк кредити ҳисобидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

3. Туловлар белгиланган туловлар кетма-кетлиги асосида бажарилади.

4. Ҳужалик юритувчи субъектлар хисоб-китоб шаклларини мустақил танлашлари ва уни шартнома орқали мустаҳкамлаб қўйишлари мумкин.

5. Товар етказиб берувчи корхона ҳисобварағига пул маблағлари мазкур маблағларининг мол сотиб олувчи корхона ҳисобварағидан ўчирилгандан сўнг ўтказиб берилади.

6. Туловни қаролатлаш мақсадида, етказиб берилиши лозим бўлган товар ёки қўрсатилиши лозим бўлган хизмат қийматининг 15 фоизи олдиндан тулангандан сўнггина товарлар жўнатилади ёки хизматлар қўрсатилади.

Ҳисоб-китобларни амалга оширишда юқорида санаб ўтилган тамойилларга амал қилинмас экан, бу хисоб-китоб муносабатларида қатнашувчи томонларнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир қўсатади.

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида» 2002 йил 12 январь Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган Низом асосида олиб борилади. «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида»ги Низом Фукаролик кодекси, «Марказий банк тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси корхоналари тўғрисида»ги Қонунлари ва Марказий банкнинг Ўзбекистон ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги шароитида ҳужалик юритувчи субъектларнинг фаолияти товар-пул муносабатлари ривожланиш шароитларида нақд пулсиз ҳисоб-китоб коидалари ҳужалик органлари томонидан ҳисоб-китоб шакллари эркин танлаш принципларидан келиб чиқади ва улар шартномаларда мустаҳкамланади. Ҳужалик органларининг шартномавий муносабатларига банк аралашмайди.

Низомга асосан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қонунда қўзда тутилган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган қуйидаги шакллар орқали амалга оширилади:

- Тулов топширикномалари;
- Тулов талабномалари;
- Аккредитивлар;
- Инкассо топширикномалари;
- Тижорат банкларининг ҳисоб-китоб чеклари;
- Пластик карточкалар бўйича ҳисоб-китоблар.

Туловчи ва маблағ олувчи орасидаги ҳисоб-китоблар шакли шартнома асосида белгиланади. Ҳисоб-китоб шакллари дейилганда, ҳуқуқий меъёрларда қўзда тутилган, ҳисоб-китоб ҳужжатининг тури, ҳужжатлар айланиш тартиби, маблағларни мол сотувчи корхона ҳисобварағига утқишиш ва ёзиш усули билан бири-биридан фарқ қилувчи ҳисоб-китоб турлари тушунилади. Ҳисоб-китобларнинг алоҳида шаклларининг мазмуни, улар бўйича ҳужжатлар айланишини ва

операциялар хисоби ҳамда расмийлаштирилишини алоҳида параграфларда кўриб чиқамиз.

2.2. Тулов топшириқномалари буйича хисоб-китоблар, уларнинг хисоби ва расмийлаштирилиши.

Тулов топшириқномаси бу туловчи корхонанинг унинг банкдаги депозит хисобварағидан пул маблағларининг маълум бир суммасини бошқа мижознинг хисобварағига утказиш ҳақида узига хизмат курсатувчи банкка берган топшириғидир. Тулов топшириқномаси 0505411002 шаклдаги стандарт бланкада туловчи томонидан расмийлаштирилиб банкка топширилади. Тулов топшириқномалари орқали қуйидаги туловлар амалга оширилади:

- товарлар ва хизматлар учун хисоб-китоблар;
- нотовар операциялар буйича хисоб-китоблар;
- Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларида қўзда тутилган бўлса, банк ссудалари ва унга қўшилган фоизларни қоплаш учун маблағ утказиш;
- Ҳукумат қарорлари ва банк қоидаларида белгиланган ҳоллардаги банк туловлари.

Илгари тулов топшириқномалари расмийлаштирилган кундан бошлаб 10 кун ичида банкка топширилиши мумкин бўлиб, шу давр ичида у ҳақиқий бўлиб хисобланар эди. «Нақд пулсиз хисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида»ги янги Низомга асосан тулов топшириқномаси расмийлаштирилган кун банкка тақдим этилиши лозим, яъни топшириқноманинг санаси уни банкка тақдим этилган кун билан бир хил бўлиши керак, улар мос келмаган ҳолда тулов топшириқномаси ижро учун қабул қилинмайди. Лекин бюджетга ва бюджетдан ташқари фондлар буйича туловлар бундан мустасно.

Тулов топшириқномаларининг банкка топширадиган нусхалар сони туловчи ва маблағ олувчиларнинг қайси банкда жойлашганлигига боғлиқ. Туловчи ва маблағ олувчи корхоналар бир банк бўлими хизматидан фойдалансалар, топшириқномалар

банкка уч нусхада такдим этилади. Топширикнома нусхаларининг хар бири куйидагича ишлатилади:

- биринчи нусха туловлар амалга оширилгандан кейин банк масъул ижрочиси томонидан имзо, тулов амалга оширилган сана ва қабул қилиш санаси курсатилган, банкнинг туртбурчак мухрининг изи туширилган холда кунлик хужжатлар йигмасига тикилади;

- иккинчи нусхаси тулов олувчининг хисобварағига илова сифатида масъул ижрочи томонидан имзо, тулов амалга оширилган сана, банкнинг туртбурчак мухр изи туширилган холда туловни олувчи корхона вакилига берилади;

- учинчи нусха операция бажарилгандан сунг, банк булимининг туртбурчак штамп изи туширилган, масъул ижрочи томонидан имзо, туловни амалга ошириш ва топширикномани қабул қилиш санаси курсатилган холда, туловчи корхона вакилига уларнинг депозит хисобварағидан кучирма билан биргаликда берилади.

Лекин хар доим хам бир-бири билан муносабатда булган хужалик юритувчи субъектлар бир банк хизматида фойдаланмайдилар, чунки хисоб-китоблар бир худуд ташкарисига чиқиши мумкин. Агар туловчи ва маблағ олувчи корхоналарга бир худуд ичидаги ёки бошқа худудда жойлашган турли банк булимлари томонидан хизмат курсатилса, тулов топширикномалари банкка икки нусхада такдим этилади:

- биринчи нусхаси туловлар амалга оширилгандан кейин банк масъул ижрочиси томонидан имзо, тулов амалга оширилган сана, банкнинг мухр изи туширилган ва қабул қилиш санаси курсатилган холда кунлик хужжатлар йигмасига тикилади;

- иккинчи нусхаси банк булимининг мухр изи туширилган, банк масъул ижрочисининг имзоси, тулов амалга оширилган сана ва топширикномани қабул қилиш санаси курсатилган холда туловчи корхона вакилига берилади.

Тулов топшириғида куйидаги реквизитлар курсатилиши лозим:

а)тулов топшириғининг номи ва номери.

б)тулов топшириғи тулдирилган сана, яъни кун, ой ва йил.

в)туловчининг номи, туловчи банкининг номи ва коди.

г)туловчининг хисобварақ номери ва идентификация коди.

д)маблағларни олувчи корхона номи, унга хизмат курсатувчи банк номи ва коди
ж)маблағ олувчининг хисобварақ номери.

з)туловларнинг суммаси ракам ва ёзувларда курсатилади.

и)туловнинг мақсади.

Тулов топшириғининг барча реквизитлари тулдирилгандан сунг, топширикноманинг алохида ажратилган пастки кисмига туловчи корхона раҳбари ва бош бухгалтерининг имзоси ҳамда муҳр изи қўйилади. Ушбу муҳр ва имзолар тулов топшириғининг факат биринчи асл нусхасига қўйилади.

Корхоналардан ҳужжатлар қабул қилиш, шартномада бошқа нарса қўзда тутилмаган бўлса, бутун кун давомида банкнинг миждоз билан ишлаш вақтидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Бунда операция кун давомида банк томонидан корхоналардан қабул қилинган ҳужжатлар шу куннинг узидаёқ ижро қилинади. Масъул ижрочи миждозлардан тулов топшириғини олгандан сунг, тулов топшириғидан барча реквизитларнинг тўлиқ ва туғри расмийлаштирилганлигини текширади. Бундан ташқари, туловчи корхонанинг депозит бўйича очилган хисобварағида ҳужжатда курсатилаган суммани тулашга етарли пул маблағлари бўрлигини аниқлайди. Агар тулов топшириғи туғри ва тўлиқ расмийлаштирилиб, уни тулашга етарли пул маблағлари бўлса, масъул ижрочи топширикномадаги барча маълумотларни дастурий йул билан компьютер орқали банкнинг электрон туловларини амалга оширувчи хисоблаш марказига утқазади. Эртаси кун эрталабдан кечикмаган муддатда банк баланси чиқарилгандан кейин ҳужжатнинг биринчи нусхаси банкнинг қўндалик йиғмажилдига тикилади ва белгиланган тартибда аввал жорий архивда сақланади, бир йил ўтгандан сунг умумий банк архивига топширилади. Тулов топширикномасининг иккинчи нусхаси эса миждознинг хисобварағидан қўчирма билан биргаликда операциялар ўтқазилганлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида миждозга қайтариб берилади.

Ушбу банк операцияси бўйича қўйдаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дебет Туловчининг «Талаб қилинганча сақланадиган депозит» бўйича очилган хисобварақ номери

Кредит Маблағ олувчининг «Талаб қилингунча сакланадиган депозит» буйича очилган хисобварақ номери.

Ушбу операцияни мисолда кўриб чикамиз. Давлат корхонаси хусусий корхонадан махсулот сотиб олди. Давлат корхонаси сотиб олинган махсулотнинг пулини тулаш учун тулов топшириғи расмийлаштириб узига хизмат курсатувчи банкка такдим этди. Тулов топшириғи тегишли назоратдан утказилгандан сунг, пул утказиш буйича куйидаги бухгалтерия ёзуви бажарилди:

Дебет 20210 «Давлат тасарруфидаги корхонанинг талаб килиб олингунча сакланадиган депозити».

Кредит 20208 «Хусусий корхонанинг талаб қилингунча сакланадиган депозити».

Юкорида курсатилган бухгалтерия ёзувлари хар иккала корхонага битта банк хизмат курсатган холда бажарилади. Агар маблағларни олувчи корхона бошка банк хизматидан фойдаланадиган булса, у холда туловчи банкидан вакиллик хисобварағи оркали утказилади. Бундай холни куйидаги бухгалтерия ёзуви оркали куриш мумкин:

Дебет 20210 «Давлат тасарруфидаги корхонанинг талаб килиб олингунча сакланадиган депозити».

Кредит 10301 «Тижорат банкининг вакиллик хисобварағи».

Шундай килиб, тижорат банкининг хисоблаш марказидан дастурий йул оркали модем усули билан электрон тулов утказилади, яъни «Электрон почта» деб номланган тизим оркали электрон тулов топшириғи Марказий банк кошидаги хисоб марказига утказилади. Марказий банк кошида очилган хисоб маркази туловчи корхонага хизмат қилувчи тижорат банкидан олинган маълумотлар асосида электрон тулов топшириғини модем оркали маблағ олувчи корхонага хизмат курсатувчи тижорат банкига утказади.

Электрон туловлар тизими оркали олинган электрон тулов топширикномалари маблағларни олувчи банкда икки нусхада когозга чикарилади. Топширикноманинг биринчи нусхаси банк масъул ижрочисининг имзоси ва банк мухр изи куйилиб, кунлик хужжатлар йигмажилдига тикилади. Иккинчи нусхаси эса банк масъул ижрочисининг имзоси ва банк мухри изи куйилган холда мижоз хисобварағига

илова сифатида мижозга берилади. Бу банкда куйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дебет 10301 «Тижорат банкининг вакиллик ҳисобварағи».

Кредит 20208 «Хусусий корхонанинг талаб қилгунча сақланадиган депозит ҳисобварағи».

Ушбу бухгалтерия ёзуви ёрдамида туловчи корхона банкдан Марказий банк орқали келиб тушган пул маблағлари маблағ олувчи корхона банкида маблағ олувчининг ҳисобварағига утказилади.

Таъминотчилар томонидан маҳсулот етказиб бериш ва хизматлар курсатиш транспорт хизмати билан биргаликда бир текисда амалга оширилса, узаро ҳисоб-китоблар доимий туловлар тартибида утказилиши мумкин. Бундай ҳисоб-китоблар ҳар бир алоҳида савдо битими яъни маҳсулот ортиш, жунатиш ёки хизмат курсатиш бўйича эмас, балки томонлар олдиндан келишиб олган муддатлар ва ҳажмларда тулов топшириқномалардан фойдаланган ҳолда маблағларни даврий равишда қучириш йули билан бажарилади. Томонлар даврий равишда, лекин ҳар ойда қаида бир марта маҳсулотнинг амалда жунатилиши ёки хизматлар курсатилиши асосида утган даври учун қиёслашни бажариш ва шартномада белгиланган тартибда қайта ҳисоб-китоб қилишлари лозим. Аниқланган фарқлар алоҳида топшириқнома билан утказилиши ёки навбатдаги туловда ҳисобга олиниши мумкин. Узаро қарзлар энг қам миқдорда бўлиши учун ҳисоб-китобларга ойнинг охирида аниқлик қиритиш мақсадга мувофиқдир.

1.Энг аввало мол жунатувчи ва мол олувчи қорхоналар уртасида ҳужалиқ шартномаси тузилади.

2. Шартномага асосан мол жунатувчи қорхона мол олувчи қорхонага маҳсулот жунатади.

3.Мол олувчи қорхона олган маҳсулотга пул утқизиш учун тулов топшириғи расмийлаштириб узига хизмат қурсатувчи банкка топширади.

1.Банк ходими томонидан тулов топшириғи асосида мол олувчи қорхона ҳисобварағидан пул чегирилади.

2.Ҳисоб маркази орқали электрон тулов мол сотувчи қорхона банкка жунатилади.

3.Келиб тушган электрон тулов мол сотувчи корхона банкида мол сотувчи корхона хисобварағига утказилади.

4.Электрон тулов топшириғининг бир нусхаси туланган хужжатлар сифатида мол сотувчи корхонага берилади.

Хозирги кунда республикамизда банклар оркали утказилаётган барча туловларнинг 65-75 фоизи тулов топширикномалари ёрдамида амалга оширилмокда, бу унинг афзалликлари билан боғлиқдир.

Бу афзалликлар куйидагилардан иборатдир:

- биринчидан, хужжатлар айланишининг оддийлиги ва тезлиги, яъни хисоб-китобларни амалга оширишнинг техник жихатдан кулайлиги. Бу эса уз навбатида хужалик юритувчи субъектлар ва банк ходимларининг меҳнат сарфини камайтиради;

- иккинчидан, пул маблағлари ҳаракатининг тезлиги, яъни тулов талабномасига нисбатан тулов топширикномаси буйича хисоб-китобларда хужжатларнинг айланиши ҳаракати қисқалиги сузсиз хужалик оборот маблағларининг айланиш тезлигини оширади;

- учинчидан, товар сотиб олувчининг қабул қилган товарлари ёки хизматлар сифатини олдиндан аниқлаб олиниши. Хисоб-китобларнинг бу шаклида тулов талабномаси оркали хисоб-китобларда булган каби банкка рад этиш аризаси топширилмайди, чунки туловчининг узи туловни тулашга рози булса, топширикномани банкка топширади;

- туртинчидан, тулов топширикномасининг барча товарсиз операцияларда қулланиши, бу эса ушбу шакл буйича хисоб-китобларнинг аҳамиятини янада яққол акс эттиради.

Тулов топширикномаси буйича хисоб-китобларнинг афзалликлари билан бир каторда камчиликлари ҳам мавжуд. Камчиликлар шундан иборатки, мол жунатувчи ёки хизмат курсатувчи корхона учун туловнинг уз вақтида утказилиши тула қафолатланмаган. Чунки туловнинг уз вақтида утказилиши туловчи корхонанинг депозит хисобварағидаги маблағлар миқдориға боғлиқ. Туловнинг тўлиқ утказилишиға етарли пул маблағларининг булмаслиги пул айланиши

секинлаштиради ва махсулот жунатувчи ёки хизмат курсатувчи корхонанинг молиявий ҳолатини ёмонлаштиради.

Лекин курсатилган камчилик тулов топшириқномаси буйича ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг бошқа шакллари олдидаги аҳамиятини камайтирмайди. Аксинча, ҳозирги даврда хужалик субъектлари уртасида тулов топшириқномаларининг кулланилиш доираси янада кенгайиб бормокда, чунки олдинги йилларда тулов топшириқномалари буйича туловлар факат махсулот жунатилгандан ва хизматлар курсатилгандан кейингина амалга оширилар эди. Бундай ҳолат бозор муносабатлари шароитида узини окламайди, дебетор ва кредитор қарздорликларнинг ошиб кетишига олиб келади, бу эса, уз навбатида, иктисодиётда қарздорлик занжирини келтириб чиқаради.

Юқорида курсатилган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан бир қатор механизмлар ишлаб чиқилди, қарор ва фармойишлар қабул қилинди. Дастлаб 1995 йил 5 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қорхона ва ташкилотлар раҳбарларининг халқ хужалигидаги ҳисоб-китобларни уз вақтида утқизишни таъминлаш буйича жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 154-сонли Фармони чиқарилди. Фармонга мувофиқ, мулк шаклидан қатъий назар ҳар бир хужалик субъекти агар мол олувчи қорхона бўлса, у албатта уша мол қийматининг камида 15 фоизи суммасини олдиндан тулаши талаб этилади. Табиийки, бу тулов топшириқномаси асоси амалга оширилади.

Олдиндан тулов утқизиш илгари ёқилги-мойлаш махсулотлари ва бошқа баъзи ҳолларда Давлат банкининг руҳсати билан амалга оширилар эди. Лекин ҳозирги пайтда хужаликлар узлари узаро хужалик шартномалари орқали 100 фоизли ёки ундан кам миқдорда бўлган олдиндан туловлар утқизишни қилишиб оладилар. Юқорида курсатилган механизм эса томонлар уртасида шартномада курсатилган мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назорат урнатишга ёрдам беради. 15 фоиздандан кам бўлмаган авансланган туловларнинг утқизилишининг мажбурийлиги, банк бундай туловлар устидан доимо назорат олиб бориши ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг яна бир «Ҳисоб-китоблар тизими ҳамда тулов интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1996 йил 24 январдаги

Фармони чиқарилди, Фармонда корхона ва ташкилотлар томонидан банкка топшириладиган тулов топшириқномасида катъий равишда шартнома номери, тулов тартиби, 15 фоиздан кам бўлмаган аванс тулови миқдори курсатилиши шарт қилиб белгиланди. Демак, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг қайси шаклидан фойдаланишдан катъий назар, ҳужаликлар аввало тулов суммасининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорини тулов олувчи корхона ҳисобварағига айнан тулов топшириғи ёрдамида утказадилар. Бу эса тулов топшириғининг иқтисодийнинг ҳамма соҳаларини қамраб олаётганидан далолат беради. Умуман, халқ ҳужалиғида хусусий секторнинг урни кенгайиб борган сари кичик ва бошқа хусусий корхоналар сонининг ошиши тулов топшириқномалари бўйича ҳисоб-китоблар ҳажмининг кенгайишига йул очиб беради.

3. Тулов талабномаси бўйича ҳисоб-китоблар, уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳисобга олиниши.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида бири тулов талабномаси бўйича ҳисоб-китоблар бўлиб, улар 1992 йил 1 августигача республика нақд пулсиз айланишининг қарийб 60-65 фоизини ташкил этар эди. Марказий банкнинг 1992 йил 6 июндаги 78-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон халқ ҳужалиғида ҳисоб-китобларни тартибга солиш, уларнинг ҳолатини яхшилаш, ҳамда бозор талабларига мослаштириш мақсадида, 1992 йил 3 июлдан бошлаб мулкчилик шаклидан катъий назар барча корхона ва ташкилотлар учун талабномаларнинг урнига янги тартибдаги тулов-талабнома топшириқномаси бўйича ҳисоб-китоблар амалиётга киритилди. Шу билан биргаликда, 1992 йил 1 августгача тулов талабномаларининг оборотда бўлишига рухсат этилди. Лекин корхона ва ташкилотлар тулов талабномаси орқали амалга ошириладиган ҳисоб-китобларга бир неча ун йиллаб урганиб қолганликлари сабабли, Марказий банкка тулов талабномасини амалиётга қайтадан тадбиқ этиш бўйича қўлаб талаб ва таклифлар қилиб тушаётганлигини ҳисобга олган ҳолда, бу масала қайта кўриб чиқилиб, 1996 йил 29 февралдаги Марказий банкнинг Хатига асосан қайтадан муомалага киритилди.

Тулов талабномаси - бу махсулот етказиб берувчи ва маблағ олувчиларнинг белгиланган суммани туловчи банк оркали тулаши тўғрисидаги талабномани уз ичига олган хисоб-китоб ҳужжатидир. Тулов талабномаси буйича хисоб-китоблар «акцепт» шаклидаги хисоб-китоблар ҳам деб юритилади.

«Акцепт» сузи лотин тилидан олинган булиб, розилик маъносини англатади, яъни бу туловчининг туловни амалга ошириш учун банкка берган розилигидир. Акцепт шакли асосий инкассавий хисоб-китоб шакли булиб хисобланади. «Инкассо» итальянча суздан олинган булиб, банк уз мижози такдим этган ҳужжатга асосан етказиб берилган махсулот учун унда курсатилган суммани туловчидан унинг банки оркали олиб бериш буйича мажбурият булиб хисобланади. Розилик билдириш усулига кўра акцепт ижобий ва салбий булиши мумкин. Туловчи корхонанинг розилиги ҳам, норозилиги ҳам ёзма равишда билдирилса, ижобий акцепт хисобланади. Бундай ҳолда тулов туловчидан ёзма равишдаги розилик хати келгандагина амалга оширилади. Агар 15 кун ичида туловчидан розилик хати келмаса тулов талабномаси туловни олувчига туланмасдан қайтарилади. Салбий акцепт эса сукут саклаш оркали билдирилади, туловга норозилик ёзма равишда билдирилади. Агар туловга қарши норозилик хати ёзма равишда келиб тушмаса банк томонидан тулов амалга оширилади.

Салбий акцептнинг узи туловни амалга ошириш муддатига кўра олдиндан акцепт ва сунгги акцептга булинади. Талабномани олдиндан акцептлаш усулида хисоб-китоблар утказилганда талабноманинг пули акцептлаш муддати тугагандан сунг, яъни эртаси куни туланади. Туловчи корхона узига хизмат курсатувчи банк муассасасига талабнома келиб тушгандан кейин 3 кун ичида туловдан бош тортганини маълум қилиш ҳукукига эга. Товар етказиб берувчи товар-моддий бойликлар етказиб бериш, хизматлар курсатиш тўғрисидаги шартнома, шунингдек, тегишли конун ҳужжатлари шартларини бузган ҳолларда туловчи тулашдан бош тортиши мумкин. Бундай ҳолларда туловчи томонидан банкка ёзма равишда рад этиш аризаси топширилиб, унда туловдан бош тортиш сабаблари курсатилади.

Акцептлашнинг сунгги акцепт турида тулов талабномаси банкка келиб тушган кунда туланади, лекин тулов утказилгандан кейинги 3 кун ичида туловдан бош

тортиш хукуки сакланиб қолади. Белгиланган муддат утгандан сунг туловчи томонидан рад этиш аризаси келиб тушмаса, тулов туланганлигича қолади.

Лекин иктисодиётнинг ривожланишининг турли даврларида акцептнинг хар хил турлари кулланилади. Масалан, хисоб-китобларнинг даврини бир мунча кискартириш мақсадида 1991 йилгача асосан сунгги акцепт ишлатилар эди, факат конун-қоидаларда курсатилган ҳоллардагина олдиндан акцептга йул қуйилар эди. Дебет авизоларига йул қуйилмаётгани сабабли ҳозирги кунда факатгина олдиндан акцепт тури ишлатилмоқда.

Хисоб-китобларнинг акцепт, яъни тулов талабномалари орқали утказиладиган шаклида ишлатиладиган асосий ҳужжат бу - тулов талабномасидир. Тулов талабномалари маҳсулот етказиб берувчи томонидан белгиланган №0505411001 шаклдаги бланкаларда банкка тақдим этилади.

Тулов талабномалари қуйидаги ҳолларда ишлатилиши мумкин:

а)юклаб жунатилган товарлар учун;

б)бажарилган ишлар учун;

в)курсатилган хизматлар учун;

г)амалдаги конунчиликда, меъёрий ҳужжатлар ёки шартномада қўзда тутилган бошка

туловлар учун.

Тулов талабномасида маҳсулот етказиб берувчи томонидан талабнома номери, у тулдирилган сана, шу корхона номи, унинг хисобварақ номери, хизмат курсатувчи банк номи, банкининг коди, туловчи корхонанинг номи, унинг банкдаги хисобварақ номери, туловчига хизмат курсатувчи банк номи ва коди, тулов суммаси ва тулов мақсади курсатилади. Ҳужжатларда курсатилиши лозим бўлган умумий реквизитлардан ташқари тулов талабномасида қуйидагилар курсатилиши лозим:

а)шартнома санаси ва номери;

б)маҳсулотларни юклаб жунатиш санаси ва товар-транспорт ёки қабул қилиш, топшириш ҳужжатлари ва транспорт тури, товарлар почта ва телекоммуникация агентлиги

орқали жунатилганда эса - почта квитанцияларининг номери;

Агар махсулот уни сотиб олувчининг транспорт воситаси билан олиб кетилса, талабноманинг алохида ажратилган жойида юк уни сотиб олувчининг уз транспорти билан олиб чикиб кетилгани ҳамда ишончноманинг номери курсатилади. Шундай холлар ҳам буладики, махсулот контрактация шартномалари асосида реализация килинади. Контрактация шартномалари буйича махсулот етказиб беришда тулов талабномасининг юкори кисмида яъни талабнома деб ёзилган суз ёнига «Контрактация шартномаси» деб курсатилиши лозим. Тулов талабномасининг пастки, алохида ажратилган кисмида махсулот жунатувчи корхона рахбари ва бош бухгалтернинг имзолари ва корхонанинг мухр изи куйилади.

Тулов талабномаси махсулот юклаб жунатилгандан кейин шартномада белгиланган муддатдан кечиктирилмасдан банкка инкассога топширилади. Махсулот етказиб берувчи битта операция буйича талабномаларни инкассо учун қайта такдим қилиш ҳукукига эга эмас.

Умуман, тулов талабномалари буйича ҳисоб-китобларни расмийлаштириш ва ҳисобга олиш ишларини 3 боскичга бўлиб қўриб чиқамиз:

1-боскич. Махсулот етказиб берувчи банкида тулов талабномасини инкассога қабул қилиниши.

2-боскич. Махсулот олувчи банкида тулов талабномаларини тулаш буйича операциялари.

3-боскич. Махсулот етказиб берувчи банкида туловни қабул қилиш буйича операциялар.

Тулов талабномалари буйича ҳисоб-китобларнинг ҳар бир боскичини алохида қўриб чиқамиз.

1. Махсулот етказиб берувчи банкида тулов талабномасини инкассога қабул қилиниши.

Тулов талабномаси махсулот жунатилгандан сунг шартномада белгиланган муддатларда махсулот жунатувчи корхона томонидан руйхат, яъни реестр асосида банкка инкассога топширилади.

Руйхат тулов талабномаларининг барча реквизитларини уз ичига олган ҳолда икки нусхада тулдирилади. Руйхатнинг биринчи нусхаси корхонанинг рахбари ва

бош бухгалтери томонидан имзоланиб муҳрнинг изи билан расмийлаштирилиши лозим. Руйхатнинг биринчи нусхаси қабул килинган сана, масъул ижрочи имзоси куйилгандан сунг, банкнинг туртбурчак муҳр изи туширилиб банкда колдирилади. Руйхатнинг иккинчи нусхаси эса қабул килинган сана, масъул ижрочи имзоси куйилиб, банкнинг туртбурчак муҳр изи туширилиб махсулот етказиб берувчига қайтарилади.

Тулов талабномалари 2 ёки 3 нусхада тулдирилади. Агар махсулот етказиб берувчи ва туловчи томонларга битта банк булими хизмат курсатса талабнома 3 нусхада тақдим этилади. Бу ҳолда тулов талабномаларнинг ҳар бир нусхалари куйидагича ишлатилади:

- биринчи нусха туловлар амалга оширилгандан кейин банк масъул ижрочиси томонидан имзо, тулови амалга оширилган сана, банкнинг туртбурчак муҳр изи туширилган ва қабул қилиш санаси курсатилган ҳолда кунлик ҳужжатлар йигмасига тикилади;

- иккинчи нусхаси туловни олувчининг ҳисобварағига илова сифатида масъул ижрочи томонидан имзо, тулов амалга оширилган сана, банкнинг туртбурчак муҳр изи куйилган ва қабул килинган сана курсатилган ҳолда берилади;

- учинчи нусха қабул қилиш санаси, туловни амалга ошириш санаси, масъул ижрочининг имзоси ва банк туртбурчак муҳр изи куйилган ҳолда туловчига унинг ҳисобварағидан кучирма билан биргаликда берилади.

Агар туловчи ва махсулот етказиб берувчи бир ҳудуд ичидаги ёки турли ҳудудларда жойлашган турли банк булимлари хизматидан фойдалансалар, бу ҳолда тулов талабномалари 3 нусхада банкка тақдим этилади. Уларнинг ҳар уччала нусхалари почта алоқаси ёки курьерлар орқали туловчи банкка жунатилади.

2. Махсулот олувчи банкида тулов талабномасини тулаш бўйича операциялар.

Туловчи корхона банкка махсулот етказиб берувчи корхона банкдан биринчи иккинчи ва учинчи нусха тулов талабномаси почта алоқаси ёки курьерлар орқали келиб тушади. Тулов талабномалари томонлар уртасида тузилган шартномага асосан акцептлаш тартибида ёки акцептламасдан туланиши мумкин. Банк томонидан талабномаларни акцептлаш учун бир шаҳар ичида 3 кун, шаҳарлараро

хисоб-китобларда 5 кун мухлат берилади. Лекин корхонанинг илтимосига кўра банк бу муддатни 10 кунгача чузиши мумкин. Акцептлаш тартибида туланадиган талабномаларнинг биринчи нусхаси тулов учун акцептлашни кутаётган хисоб-китоб хужжатлари картотекасига жойлаштирилади. Бу картотека банкда 1-картотека деб юритилади. Талабноманинг иккинчи нусхаси товар-транспорт хужжатлари билан бирга кейинги иш кунидан кечиктирилмасдан хужжатни акцептлаш учун қабул килинган сана курсатилган холда ва тулов тўғрисида маълумот сифатида туловчига берилади. Агар банкда 1-картотеканинг хисобини юритиш дастурий йул билан олиб борилмаса, бундай талабномалар қабул килинган куни «Тулов учун акцептланиши кутаётган хисоб-китоб хужжатлари»ни хисобга олиб бориш дафтарида икки нусхада куйидаги реквизитларни курсатган холда банк томонидан кайд этилади:

- тулов талабномасининг банкка келиб тушиш санаси ва тулов муддати;
- туловчининг хисобварақ номери;
- туловчининг номи;
- банк коди;
- талабноманинг номери;
- тулов мақсади ва суммаси;

Тулов талабномасини 1-картотекага жойлаштиришда куйидаги балансдан ташкари проводка бажарилади. Дт 90962 «Тулов муддатини кутаётган хисоб-китоб хужжатлари», Кт 96319 «Контр. хисобварақ».

Дафтарда хар бир тулов муддати буйича талабнома суммалари ва бу суммаларнинг йигиндилари курсатилган булиши лозим. 1-картотеканинг хисоби дастурий йул билан амалга оширилса, талабнома буйича курсатилган реквизитлар компьютерга киритилади.

Юкорида эслатиб утганимиздек, туловчи тулов талабномасининг иккинчи нусхасини олгандан кейин, унинг туғри расмийлаштирилганлигини, шартнома шартларига туғри келиш-келмаслигини текшириб чиқади. Туловчи белгиланган муддатда товар моддий кийматликларни жунатишда, хизматлар курсатишда амалдаги конуний хужжат талабларига ҳамда шартнома шартларига амал килинмаган холларда талабномани кisman ёки тўлиқ тулашдан бош тортиши

мумкин. Бунинг учун банкка ёзма равишда рад этиш аризаси топширилиши лозим. Агар белгиланган муддатда банкка рад этиш аризаси топширилмаса, яъни ёзма равишда акцептлашни рад этмаса талабнома акцептланган булиб хисобланади. Акцептлашни рад этиш ҳукукига эга булган мансабдор шахслар доирасини банк булими бошқарувчиси белгилайди. Банклар акцептлашни рад қилиш моҳияти буйича келиб чиккан бахс ва низоларга аралашмайдилар.

Тулов талабномасини тулашдан бош тортиб ёзилган рад этиш аризаси туловчи томонидан банкка топширилганда талабномалар шу куннинг узидаёқ 1-картотекадан олинади ҳамда товар-транспорт ҳужжатлари ва бошқа иловалар билан бирга маҳсулот етказиб берувчи корхона банкка ижросиз қайтариб юборилади. Туловчи талабномани акцептлашдан қисман бош тортганда, туловчи томонидан акцептланган сумма буйича туловлар утказилади. Туловчи ҳисобварағида талабноманинг акцептланган қисмини тулашга етарли пул маблағлари булмаганда талабнома «Муддатда туланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари» картотекасига жойлаштирилади. Бу картотека 2-картотека деб юритилади. Бунда талабноманинг дастлабки суммаси учиради ва ёнида туловчи акцептлаган сумма ёзиб қуйилади. Картотекага қирим қилинган сумма туловчи корхона ҳисобварағига пул маблағлари келиб тушгандан сунг туланади.

Агар 1-картотекага жойлаштирилган тулов талабномаси буйича туловчи томонидан рад этиш аризаси келиб тушмаса, тулов талабномаси акцептлаш учун берилаган 3 кун муҳлат утгандан сунг туланади. Тулов талабномасини тулашдан аввал туловчи корхонанинг депозит ҳисобварағини юритувчи масъул ижрочи талабномани тулаш учун етарли пул маблағларининг туловчи ҳисобварағида мавжудлигини текширади. Агар депозит ҳисобварағида етарли пул маблағлари булса, талабаноматан туланади. Тулов талабномасини тулаш қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали амалга оширилади:

Дебет 20210 «Давлат тасарруфидаги корхонанинг талаб қилингунча сакланадиган депозит ҳисобварағи»

Кредит 10301 «Тижорат банкининг вакиллик ҳисобварағи»

Баланс ичидаги хисобварақлар буйича бажарилган ушбу бухгалтерия ёзувлари билан бир каторда балансдан ташкари кузда тутилмаган ҳолатлар хисобварақлар буйича ҳам бухгалтерия ёзувлари бажарилади, 1 картотекадаги тулов талабномасининг узи картотекадан олинади ва хисобдан чиқарилади:

Дебет 96319 «Тулов муддатини кутаётган хисоб-китоб ҳужжатлари буйича контр. хисобварақ»

Кредит 90962 «Тулов муддатини кутаётган хисоб-китоб ҳужжатлари» Бу бухгалтерия ёзувига карама-карши бўлган ёзув тулов талабномасини 1-картотекага қабул қилинган пайтда бажарилади, яъни тулов талабномасининг 1-картотекага қирим қилинганлигини билдиради. Юқоридаги бухгалтерия ёзуви эса талабноманинг картотекадан олинганлигини билдиради.

Туланган талабнома электрон туловлар тизими ёрдамида Марказий банк қошидаги Хисоб-китоб маркази орқали маҳсулот сотувчи банкига утқизилади. Талабноманинг ушбу нусхаси банкнинг кундалик ҳужжатлар йигмажилдига тикилади ва белгиланган тартибда сақланади.

Лекин ҳар доим ҳам туловчи корхонанинг хисобварағида тулов талабномасини тулашга етарли пул маблағлари бўлмаслиги мумкин. Туловчининг депозит хисобварағида маблағ бўлмаганда талабномалар 2-картотекада туловни кутаётган ҳужжатлар каторига жойлаштирилади, бу ҳақда маҳсулот етказиб берувчи банкига хабар берилади. Талабнома 2-картотекага жойлаштирилганда балансдан ташкари кузда тутилмаган ҳолатлар хисобварақлари буйича қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

Дебет 90963 «Муддатда туланмаган хисоб-китоб ҳужжатлар»

Кредит 96321 "Муддатда туланмаган хисоб-китоб"

Тулов талабномаси 2-картотекада туловчи корхонанинг талаб қилингунча сақланадиган депозит хисобварағига талабномани тулашга етарли пул маблағлари келиб тушгунча сақланади. Пул келиб тушгандан сунг, келиб тушган маблағлар доирасида меъёрий ҳужжатларда урнатилган тартибда тулов амалга оширилади. Тулов утқазииш буйича қуйидаги бухгалтерия ёзуви бажарилади:

Дебет - Маҳсулот сотиб олувчининг депозит хисобварағи

Кредит - Тижорат банкининг вакиллик ҳисобварағи

Бу ерда махсулот сотувчи турли мулкчилик шаклдаги ҳужалик юритувчи субъект бўлиши мумкин. Юқорида тулов талабномаси туланганда давлат тасарруфидаги корхонанинг депозит ҳисобварағи орқали операция ўтказилган ҳолни қўрган эдик. Баланс ичидаги бухгалтерия ёзувини бажаришдан аввал ҳужжат 2-картотека ҳисобидан чиқарилади, бу операция қуйидаги бухгалтерия ёзуви асосида амалга оширилади:

Дебет 96321 «Муддатида туланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича контр. ҳисобварақ»

Кредит 90963 «Муддатда туланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари»

Банк 2-картотекадаги тулов муддати ўтказиб юборилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича туловларни амалга оширишда туловчилардан пеня ўндириш ва олувчилар фойдасига ўтказиш ҳуқуқига эга, агар бу банк ва миждоз ўртасида тузилган шартномада келишилган бўлса. Банк туловчилардан маблағларни олувчилар фойдасига муддати ўтказиб юборилган туловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун қонунда белгиланган миқдорда пеня ўндиради. Муддати ўтказиб юборилган кунларни белгилашда календарь кунлар ҳисобга олинади. Ўндирилган пеня муддати ўтказиб юборилган туловнинг асосий суммаси билан туловчининг ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади ва махсулот ўтказиб берувчининг банкига электрон туловлар тизими орқали ўтказилади.

Баъзи вақтларда тулов талабномасини тулаш учун туловчи корхонанинг розилиғи, яъни акцептлаши талаб этилмайди. Туловчиларнинг ҳисобварақларидан маблағларни акцептламасдан ҳисобдан чиқариш томонлар ўртасида тузилган шартномага асосан коммунал хизмат, телефон, канализация, почта-телеграф харажатлари ҳамда ташилган ахлат учун амалга оширилади. Коммунал хизматлар учун туловлар ўлчов асбоблари газ, сув, иссиқлик ва электр-энергияси учун ҳисобланади. Бундай акцептсиз туловларни амалга ошириш учун банкка тақдим қилинган тулов талабноманинг юқори қисмига «акцептсиз» ҳамда "ҳисоблаш асбоблари асосида" деган сузлари қўрашиб ўтилган бўлиши лозим. Ўшбу ёзувлар бўлмаган тақдирда талабномалар умумий асосда акцептланади ва туланади.

Талабномада маълум туловларни акцептламасдан хисобдан чиқариш ҳуқуқига эга бўлган қонуний ҳужжат ёки шартноманинг санаси, номери ва туловнинг мақсади қурсатилиши шарт. Бунда банк илова қилинган ҳужжатларнинг талабномада қурсатилган уларнинг реквезитларига мослигини текшириб қўради.

Банк операция қуни қелиб тушган акцептсиз туланадиган талабномалар шу қуннинг узида туланади. Туловчи қорхонанинг депозит ҳисобварағида талабномани тулаш учун маблағлар йўқлиги ёки қамлиги аниқланса ҳамда уларни тулаши учун банк қредитини бериш имқонияти бўлмаганда, туланмаган сумма «Ўз муддатида туланмаган ҳисоб-қитоб ҳужжатлари» қартотеқаси бўйича алоҳида ҳисобвараққа утқазилади, талабноманинг узи эса 2-қартотеқага жойлаштирилади.

Операция қун тугагандан сунг банкка қелиб тушган тулов талабномалари қейинги иш қуни туланади. Бундай талабномаларга «Қечқи» деган белғи қуйиб қуйилади. Умуман акцептсиз туланган ёки 2-қартотеқага жойлаштирилган талабномалар бўйича бухгалтерия ёзувлари акцептлаш тартибда туланадиган талабномалар синғари амалга оширилади.

3. Махсулот етқазиб берувчи банкида туловни қабул қилиш бўйича операциялар.

Туловчи қорхона банкида туланган тулов талабномаси «Электрон почта» электрон тизими орқали Марқазий банк қошидаги Ҳисоб-қитоб марқазига узатилади. Ҳисоб-қитоб марқазиди туловчи қорхона банкининг вақиллик ҳисобварағидан тулов талабномасида қурсатилган пул суммаси махсулот етқазиб берувчи банкининг вақиллик ҳисобварағига утқазилади. Электрон тулов тизими орқали олинган электрон талабномалар маблағлари олувчи банкда икки нусхада қогозга қикарилади. Уларнинг биринчи нусҳаси банк масъул ижрочисининг имзоси ва банк муҳри қуйилиб қундалиқ ҳужжатлар йигмажилдига тикилади ва белғиланган тартибда сакланади. Талабноманинг иккинчи нусҳаси банк масъул ижрочисининг имзоси ва банк муҳри қуйилган қолда махсулот етқазиб берган қорхонанинг депозит ҳисобварағига илова сифатида қушиб берилади. Шу билан бирга бу қорхонага ҳисобварағидан қучирма ҳам берилади. Махсулот етқазиб берувчи банкида туловчи банкидан қелиб тушган тулов суммаси қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали маблағ олувчининг ҳисобварағига утқазиб қуйилади:

Дебет Тижорат банкининг вакиллик ҳисобварағи

Кредит Маҳсулот етказиб берувчининг депозит ҳисобварағи

Бу ерда маҳсулот етказиб берувчи давлат тасарруфидаги, давлат тасарруфидан ташқаридаги турли мулкчилик шаклларига қарашли корхоналар бўлиши мумкин. Шунга қўра уларнинг ҳисобварақ номерлари белгиланади. Ушбу бухгалтерия ёзуви маҳсулот етказиб берувчи корхонанинг ҳисобварағига сотилган маҳсулоти учун пул маблағларининг келиб тушганлигини билдиради.

1. Маҳсулот жунатувчи корхона билан маҳсулот олувчи корхона уртасида ҳужалик шартномаси тузилади.

2. Маҳсулот жунатувчи корхона маҳсулот олувчи корхонага товар жунатади.

3. Маҳсулот жунатувчи корхона узига хизмат курсатувчи банк бўлимига тулов талабномаси ва товар-транспорт ҳужжатларини тақдим қилади.

4. Маҳсулот жунатувчи корхона банки маҳсулот олувчи корхона банкига почта ёки курьерлар орқали ҳужжатларни жунатади.

5. Маҳсулот олувчи корхона банки келиб тушган тулов талабномасини акцептлаш учун маҳсулот олувчи корхонага беради.

6. Корхона уз банкига акцептланган талабномани тақдим этади.

7. Маҳсулот олувчи корхона банки талабномада курсатилган суммани туловчи корхона ҳисобварағидан чегириб, талабнома бўйича туловни амалга оширади.

8. Маҳсулот олувчи корхона банки Ҳисоб-китоб марказига туланган электрон тулов талабномасини модем орқали жунатади.

9. Ҳисоб-китоб маркази электрон тулов тизими орқали туланган талабномани маҳсулот сотувчи корхона банкига утказади. (Ҳисоб-китоб марказида буладиган операциялар бошқа мавзуда батафсил қурилиши сабабли у ерда Ҳисоб-китоб марказида бажариладиган ишлар батафсил ёритилмади.)

10. Маҳсулот сотувчи корхона банки талабнома суммасини маҳсулот сотувчи корхонанинг ҳисобварағига утказади.

11. Туловнинг келиб тушганлигини хабар қилиш учун компьютерда чиқарилаган электрон тулов талабномасининг иккинчи нусхасини ҳисобварақдан кучирма билан биргаликда маҳсулот сотувчи корхонага топширади.

Накд пулсиз ҳисоб-китобларнинг бошқа шакллари каби тулов талабномаси буйича ҳисоб-китоблар ҳам маълум бир афзаллик ва камчиликларга эга. Тулов талабномалари билан ҳисоб-китобларнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

1)Маҳсулот сотувчи билан маҳсулот оловчи томонлар бир-бирини узаро назорат қилишга қулай.

2)Маҳсулот оловчига товарни жунатиш кечиктирилмайди.

3)Мол жунатувчи билан ҳисоб-китоб қилиш учун маҳсулот оловчининг маблағини алоҳида ҳисобварақда депонент қилиб қуйиш талаб этилмайди, яъни туловчининг маблағлари бирор муддатга оборотдан ташқарига чиқиб кетмайди.

4)Туловчига тақдим этилган ҳужжатлар асосида мол етказиб берувчининг шартнома шартлари қай даражада бажарилишини текшириш ҳукуқи берилади, шу билан бирга шартнома шартларидан бири бузилган ҳолда тулов тулашдан бош тортиш ҳукуқига эга бўлади.

5)Мол оловчи ҳисобварақидан акцептсиз талабномалар буйича маблағларнинг мажбурий олиниши маҳсулот етказиб берувчи ёки хизмат курсатган томон манфаатларига мос келади.

Тулов талабномаси буйича ҳисоб-китобларнинг камчиликлари қуйидагилар:

1. Маҳсулот сотувчи корхонага туловнинг уз вақтида утказилиши кафолатланмайди.

2. Тулов утказилиши билан товар жунатилиши вақтининг бир-бирига мос келмаслиги.

3.Тулов талабномаси буйича ҳисоб-китобларда ҳужжатлар айланиши тулов топшириғига нисбатан узокрок давом этади.

Умуман, тулов талабномаси буйича ҳисоб-китобларнинг ишлатилиши куп ҳолларда 2-картотекадан уз вақтида туланмаган тулов талабномаларнинг қупайишига шароит яратади, чунки талабнома банкка тулов учун келиб тушган вақтда туловчининг ҳисобварақидан ҳар доим ҳам туловни амалга ошириш учун

етарли пул маблағлари булмайди. Картотекага куйилган хар бир тулов талабномаси республика халқ хужалиги дебеторлик ва кредиторлик карзларининг ошганлигидан далолат беради. Шу сабабли, республика банклари уз мижозларининг картотекадаги хужжатлари ва уларни тулаш буйича кандай ишлар олиб борилаётганини назорат килиб турадилар.

2.4. Аккредитивлар буйича хисоб-китоблар, уларнинг хисобга олинishi ва расмийлаштирилиши.

Хисоб-китобларнинг аккредитив шакли тулов оборотида жуда кам улушни ташкил этади. Жунатилган товарлар ва курсатилган хизматлар учун туловни кафолатлаш мақсадида аккредитив шаклдан фойдаланилади. Аккредитив-мижознинг топшириғига кўра шартнома буйича унинг контрогенти фойдасига берилаётган банкининг шартли пул мажбуриятидир. Унга кўра аккредитив очган банк махсулот етказиб берувчига туловни бажариши ёки бошка банклар томонидан аккредитивда кузда тутилган хужжатлар такдим килинганда ва аккредитивнинг бошка шартлари бажарилганда уларга бу туловларни бажариш учун ваколат бериши мумкин. Аккредитив сузининг узи лотин тилидан олинган булиб, «ишончли» деган маънони билдиради. Хозирги кунда корхоналар уртасидаги хисоб-китобларда аккредитивларнинг куйидаги турлари очилиши мумкин:

- копланган аккредитив (депонентланган)
- копланмаган (депонентланмаган)

Аккредитивлар очилганда аккредитив очган банк туловчининг шахсий маблағидан ёки унга берилган кредит хисобидан мол етказиб берувчининг банки тассарруфига алохида «Аккредитивлар» баланс хисобварағига маблағларни етказиб берса, бундай аккредитивлар копланган аккредитивлар дейилади. Аккредитив очган банк халқаро қабул килинган андозалар асосида банк-эмитент деб юритилади.

Аккредитивларнинг иккинчи тури копланмаган аккредитив булиб, банк ва бошка корхоналар олдидаги мажбуриятларини уз вактида бажарадиган хужаликларга бундай аккредитивлардан фойдаланишга рухсат этилади. Копланмаган аккредитивнинг копланган аккредитивдан фарқи шундан иборатки, бунда туловчи

корхонанинг пул маблағлари алоҳида ҳисобвараққа утказиб қуйилиши талаб қилинмайди. Банк туловчи ҳисобварағида тулов ҳужжатлари келиб тушганда пул бўлмаган тақдирда банк маблағлари ҳисобидан тулов беришни қафолатлайди. Аккредитивнинг бу турининг қулайлиги шундан иборатки, мол сотиб олувчининг пул маблағлари оборотдан ташқарига чиқиб кетмайди, иккинчи томонидан мол жунатувчи корхона учун ҳам тулов қафолатланган. Фақат банк маблағлари ҳисобидан тулов амалга оширилганда шартномада келишилган миқдорда ҳақ туланади.

Қопланган ва қопланмаган аккредитивлар чақириб олинadиган ва чақириб олинмайдиган бўлиши мумкин. Агар аккредитив бўйича ҳужжатларда бу ҳақда белги мавжуд бўлмаса, бундай аккредитивлар чақириб олинувчи бўлиб ҳисобланади. Чақириб олинувчи аккредитив банк-эмитент томонидан маблағларни олувчи билан олдиндан келишиб олинмасдан ҳам узгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Масалан, шартномада қўзда тутилган шартларга риоя этилмаганда, банк-эмитент аккредитив бўйича туловларни қафолатлаш муддатидан аввалроқ воз кечганда ва бошқа ҳолларда аккредитив чақириб олиниши мумкин. Туловчи маҳсулот етказиб берувчига чақириб олинadиган аккредитивнинг шартларини узғариши ёки бекор қилиниши тўғрисидаги барча фармойишларни фақат банк-эмитент орқали бериши мумкин, ушбу банк маҳсулот етказиб берувчининг банки, яъни бажарувчи банкни, у эса уз навбатида маҳсулот етказиб берувчи корхонани хабардор қилади. Бажарувчи банк, айти пайтда, маҳсулот етказиб берувчи тақдим этган ва маҳсулот етказиб берувчининг банки томонидан қабул қилинган аккредитив шартларига тегишли бўлган ҳужжатлар бўйича туловларни мазкур банк аккредитивини узгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги хабарномани олгунга қадар тулаши шарт. Маҳсулот етказиб берувчининг розилигисиз, унинг фойдасига очилган чақириб олинмайдиган аккредитив узгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас. Маҳсулот етказиб берувчи корхона аккредитив шартларида қўзда тутилган ҳолларда аккредитивни муддатидан олдин ишлатишдан воз кечиши мумкин.

А) Эмитент банкида аккредитивнинг очилиши.

Аккредитив факат бир таъминотчи билан ҳисоб-китоб қилишга мулжалланган бўлиши мумкин. Аккредитивнинг муддати ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби томонлар уртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

Шартномада:

- эмитент-банкнинг номи;
- аккредитив тури, уни бажариш муддати ва бажариш усуллари;
- мол етказиб берувчининг аккредитив буйича маблағ олиши учун такдим қилинадиган ҳужжатлар руйхати ва уларнинг аниқ тавсифи;
- товарларни жунатгандан кейин ҳужжатларни такдим қилиш муддати;
- мол етказиб берувчи ва олувчи томонлар номи, уларнинг юридик адреслари
- бажарувчи банк номи ва бошқалар курсатилади.

Аккредитив очиш учун харидор уз банкига - банк эмитентга аккредитивларни очиш тўғрисидаги аризани 2 нусхада такдим этади. Аризада аккредитив очиш учун асос булган шартнома раками, аккредитивнинг амал қилиш муддати, аккредитивни бажарадиган банкнинг номи, аккредитив ижро этиладиган жой, аккредитив тури, аккредитив буйича ҳақ туланадиган ҳужжатларнинг тўлиқ ва аниқ номи, расмийлаштириш тартиби, аккредитив буйича тулаш усули ва бошқа керакли реквизитлар курсатилади.

Банкда ушбу корхонага хизмат курсатувчи масъул ижрочи аккредитив очиш ҳақидаги аризани олиб, унинг туғри ва тўлиқ расмийлаштирилганлиги, барча керакли реквизитларнинг мавжудлигини текшириб кўради. Шундан сунг қабул қилинган аккредитив очиш ҳақидаги аризанинг биринчи нусхасига уз имзосини, банкнинг туртбурчак муҳр изини, аризани қабул қилиш санаси ва тулов утказилган санасини қуяди. Аризанинг биринчи нусхасида курсатилган барча реквизитлар компьютерга киритиб электрон туловлар тизими ёрдамида туланган суммани Марказий банкнинг Ҳисоб-китоб маркази оркали махсулот жунатувчи корхона банкига, яъни бажарувчи банкка жунатилади. Харидорнинг ҳисобварағидан туловни утказиш буйича операциялар қуйидаги бухгалтерия ёзувлари оркали амалга оширилади:

Дебет «Махсулот олувчи корхонанинг депозит ҳисобварағи»

Кредит «Эмитент банкнинг вакиллик ҳисобварағи»

Бир вақтнинг узида аккредитив суммаси аккредитивларни ҳисобга олувчи кузда тутилмаган ҳоллар ҳисобварағига кирим қилинади. Тулов утказилгандан сунг аризанинг иккинчи нусхаси банк масъул ижрочисининг имзоси, банкнинг туртбурчак муҳр изи, тулов утказилган сана ҳамда қабул қилиш санаси қуйилган ҳолда туловчига шахсий ҳисобварағидан кучирма билан биргаликда берилади.

Б) Аккредитивни бажарувчи банкда аккредитивнинг ёпилиши.

Аккредитивни бажарувчи банк эмитент банкдан электрон туловлар тизими орқали туловни қабул қилади. Бу банкда аккредитивларни очиш ҳақидаги ариза 2 нусхада коғозга чиқарилади:

- аризанинг биринчи нусхаси банк масъул ижрочиси томонидан имзо ҳамда банкнинг муҳр изи қуйилган ҳолда банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади ва белгиланган тартибда сақланади.

- иккинчи нусхаси «Тулов муддатини қутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари» деб номланган 1-картотекага жойлаштирилади.

Эмитент банкдан қабул қилинган тулов суммаси 22602 сонли «Мижозларнинг аккредитивлар буйича депозитлари» ҳисобварағида утказилиб маҳсулот жунатилиб, бу ҳақда маҳсулот жунатувчи корхонадан керакли ҳужжат тақдим қилингунга қадар сақланади. Бу операция қуйидаги бухгалтерия ёзуви ёрдамида амалга оширилади.

Дебет 10301 «Бажарувчи банкнинг вакиллик ҳисобварағи»

Кредит 22602 «Мижозларнинг аккредитивлар буйича депозитлари» ҳисобварағи. Маҳсулот етказиб берувчи корхонага аккредитив очилганлиги тўғрисида банк хабар беради.

Маҳсулот етказиб берувчи аккредитив буйича келиб тушган маблағларни узининг талаб қилингунча сақладиган депозит ҳисобварағига утказиш учун унга хизмат курсатувчи банкка юклаб жунатиш ва аккредитив шартларида кузда тутилган бошқа ҳужжатларни тақдим этади. Аккредитив буйича туловларни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар аккредитив муддати утгунга қадар маҳсулот етказиб берувчи томонидан банкка тақдим этилиши ва аккредитивнинг барча шартларини бажарилганлигини тасдиқлаши шарт. Аккредитив буйича ҳисоб-китобларда

махсулот етказиб берувчининг банки махсулот етказиб берувчи томонидан аккредитивнинг барча шартларига риоя қилинганлигини ҳамда тасдиқловчи ҳужжатларнинг туғри расмийлаштирилганлигини текшириш лозим. Ушбу шартларнинг бирортаси бузилганда ёки бажарилмаганда банк аккредитивлар буйича туловларни утказиши мумкин эмас. Банк томонидан махсулот етказиб берувчининг аккредитивлар буйича ҳисобварағидаги маблағларни унинг талаб қилингунча сакланадиган депозит ҳисобварағига мемориал ордер оркали утказилади. Мемориал ордер масъул ижрочи томонидан 4 нусхада тулдирилиб, унда тулов буйича шартнома номери, санаси, туловнинг мазмуни, ҳисобварақлар номери курсатилади. Мемориал ордернинг алоҳида нусхалари куйидагича ишлатилади:

- мемориал ордернинг биринчи нусхаси бухгалтернинг имзоси, банкнинг туртбурчак мухрининг из туширилиб, тасдиқловчи ҳужжатнинг бир нусхаси билан биргаликда банкнинг кунлик ҳужжатлар йигмасига тикилади;

- мемориал ордернинг иккинчи ва учинчи нусхалари масъул ижрочининг имзоси, банк туртбурчак мухрининг изи куйилиб, тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда банк-эмитентга жунатилади;

- мемориал ордернинг туртинчи нусхаси масъул ижрочининг имзоси, банкнинг туртбурчак мухр изи куйилиб махсулот етказиб берувчи корхона ҳисобварағига илова сифатида берилади.

Махсулот етказиб берувчи корхонанинг талаб қилингунча сакланадиган ҳисобварағига миқдорнинг аккредитивлар буйича ҳисобварағидан пул маблағларини утказиш куйидаги бухгалтерия ёзуви оркали амалга оширилади:

Дебет 22602 «Мижозларни аккредитивлар буйича депозитлар» ҳисобварағи
Кредит 20200 «Мижозларнинг талаб қилингунча сакланадиган депозитлар»
ҳисобварағи.

Мижозларнинг қайси мулкчилик шаклига асосланганлигига қараб 20200 ҳисобварақнинг тегишли ёрдамчи (субсчет) ҳисобварақ номери олинади.

Шундай қилиб, аккредитив махсулот етказиб берувчи корхонага хизмат қилувчи банкда куйидагича ёпилали:

а)аккредитив муддати тугагандан кейин бажарувчи банк аккредитив ёпилганлиги

тўғрисида эмитент банкка хабар беради;

б)махсулот етказиб берувчининг муддатдан олдин аккредитивни ишлатишдан воз

кечиш тўғрисидаги аризасига кўра, махсулот етказиб берувчининг кейинги аккредитивдан фойдаланишдан воз кечиши туғрисидаги аризасига асосан, банк-эмитентга бажарувчи банк томонидан билдиришнома юборилади;

в)сотиб олувчининг аккредитивни қисман ёки тўлиқ чакириб олиш тўғрисидаги аризасига кўра, агар аккредитив шартларида кузда тутилган булса, аккредитивлар эмитент банкдан хабар етиб келган куни 22602 «Мижозларнинг аккредитивлар буйича депозитлар»хисобварағидаги мавжуд маблағлар доирасида тўлиқ ёки қисман копланadi.Аккредитивнинг ёпилаётганлиги хақида эмитент банкка хабар берилади.

Аккредитивлар буйича депозит ҳисобварақлардан нақд пул берилиши, аккредитивларни бошқа шахслар номига утказилиши ва расмийлаштирилишига рухсат этилмайди.

Банк эмитент аккредитивни ишлатганлиги тўғрисида бажарувчи банкдан ҳужжатларни олгандан кейин мемориал ордерга асосан кузда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварагадан тўлиқ ҳисобдан чиқаради ва тасдиқловчи ҳужжатларни мемориал ордернинг нусхаси билан биргаликда туловчи корхонага беради. Кузда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағи аккредитив тўлиқ ишлатилмаган ва у сотиб олувчи банкидаги ҳисобвараққа қайтарилганда ҳам ёпилади.

1. Махсулот етказувчи ва махсулот олувчи уртасида ҳужалик шартномаси тузилади.

2. Махсулот олувчи уз банкига аккредитив очиш хақида ариза тақдим этади.

3. Махсулот олувчи корхона банки аризага асосан махсулот олувчи корхона ҳисобварағидан тулов утказади.

4. Аккредитив очиш хақида электрон ариза Ҳисоб Марказига «Электрон почта» орқали утказилади.

5.Хисоб Маркази электрон тулов тизими оркали махсулот олувчи корхона банкининг вакиллик ҳисобварағидан пул маблағларини махсулот сотувчи корхона банкининг вакиллик ҳисобварағига пул утказади.

6.Келиб тушган маблағлар мижозларнинг аккредитивлар буйича ҳисобварағида депонентлаштирилади.

7.Аккредитив очилгани ҳақида махсулот етказувчига хабар беради.

8.Мол сотувчи мол олувчи корхонага товар жунатади.

9.Махсулот етказувчи махсулот жунатилганлиги ҳақидаги ҳужжатларни банкка тақдим этади.

10.Банк депонентланган суммани махсулот ҳисобварағига утказади ва аккредитивни ёпади.

11.Бажарувчи банк аккредитивни ёпилганлиги ҳақида эмитент банкка хабар беради.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг аккредитив шаклининг уз афзаллиги, шу билан биргаликда, бир катор камчиликлари мавжуд. Аккредитив шакли буйича ҳисоб-китоб қилишнинг афзаллик томони шундаки, махсулот етказиб берувчи учун тулов тўлиқ кафолатланган бўлади. Аккредитив шаклининг камчиликлари эса қуйидагилардан иборат:

- аккредитив шакли буйича ҳужжатлар айланиши техник жиҳатдан бирмунча қийинроқ;
- транспортга қулай эмас, аккредитив очилган пайтда юкни жунатиш учун тайёр транспорт бўлмаслиги мумкин, бу эса юк жунатишни кечикишига олиб келади;
- бу шаклда туловчининг маблағлари оборотдан қисман четлашади, бошқа ҳисоб-китоблар учун бу маблағлардан фойдаланишга рухсат этилмайди;
- аккредитив буйича одатда фақат бир мол етказиб берувчи билан ҳисоб-китоб қилинади.

2.5. Инкассо топшириқномалари буйича операцияларнинг ҳисоби ва расмийлаштирилиши

Инкассо топширикномаси - ушбу топширикномани берган банк миждзининг банк-эмитентга туловчининг хисобварағидан сузсиз тартибда маблағларни хисобдан чикариш тўғрисидаги талабидир. Инкассо топшириклари куйидаги холларда хисоб-китоблар учун такдим этилади:

- биринчидан, уз вактида туланмаган соликларни ундириш учун;
- иккинчидан, давлат бюджетига утказиладиган соликдан ташкари туловлар, жумладан, пенялар, жарималарни ундириб олиш тўғрисидаги солик органларининг фармойишига кўра;
- учинчидан, бюджетдан ташкари фондлардан туловларни ундириб олишда, агар бу конуний хужжатларда кузда тутилган булса;
- туртинчидан, божхона идораларининг карорига кўра уз вактида туланмаган божхона туловларини ундириш учун.

Булардан ташкари, хукукни мухофаза қилиш органлари томонидан такдим этилган хужжатлар, шунингдек, хужалик судининг ижро вараклари ва унга тенглаштирилган хужжатлари инкассо топширикларини расмийлаштириб, банкка топшириш учун асос була олади. Ижро хужжатларига хужалик судининг буйруклари, судлар томонидан берилган ижро вараклари ҳамда нотариуслар томонидан ёзилган устхатларни киритиш мумкин.

Бюджет, божхона ва хукукни мухофаза қилиш органларини туловни ундирувчи деб юритамиз. Туловни ундирувчи инкассо топширикларини ижро хужжатларини илова килган холда туловни ундириш учун банкка такдим киладилар. Агар туловни ундирувчи ва туловчи томонлар бир шаҳар ичидаги банк хизматидан фойдалансалар, инкассо топшириғи туловчининг хисобварағи юритиладиган банк булимига топширилади. Агар инкассо топшириғи бошка шаҳардаги туловчилар номига расмийлаштирилган булса, бу холда хужжат ундириб олувчига хизмат курсатувчи банк булимига топширилиши лозим. Туловчиларнинг хисобварақларидан маблағлари хисобдан чикариш банк булимлари томонидан хужжатларнинг нусхаси буйича эмас, балки, асл нусхаси ёки дубликати асосида бажарилади.

Хужалик юритувчи субъектлар фойдасига маблағларни хисобидан чикариш буйича хужжатлар Қонунда белгиланган муддатдан утказиб такдим этилган булса, банк булимлари ушбу хужжатларни инкассо учун қабул қилмайдилар. Ижро хужжатларининг бажарилиш муддатлари куйидагича белгиланган:

- судлар томонидан берилган ижро варақлари буйича - 3 йил;
- ижро устхатлари буйича, агар қонунчилик томонидан бошқа муддат қурсатилмаган булса -3 йил;
- хужалик судларининг ижро варақлари буйича - 6 ой;
- хужалик судининг судьяси томонидан берилган суд буйруғи буйича ундириб олиш, буйруқ берилган кундан бошлаб - 10 кун муддат давомида амалга оширилади.

Давлат сугуртаси, ижтимоий сугурта идоралари, давлат бюджети фойдасига маблағларни утказиб бериш хужжатлар банк томонидан амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда қабул қилинади.

Инкассо топшириқномаси банк булимига ундириб олувчи томонидан 0505411013 шаклда 3 нусхада топширилади. Ундириб олувчи ва туловчи томонларга битта банк булимида хизмат қурсатилса инкассо топшириқномаларининг алоҳида нусхалари куйидагича ишлатилади:

- биринчи нусха туловлар амалга оширилгандан кейин банк масъул ижрочиси томонидан имзо, банкнинг тўртбурчак муҳр изи, тулов амалга оширилган сана, қабул қилиш санаси қурсатилган ҳолда кунлик хужжатлар йиғмасига тикилади.

- иккинчи нусхаси ижро хужжатлари билан бирга туловчининг ҳисобварағига илова сифатида масъул ижрочи томонидан имзо, тулов амалга оширилган сана, банкнинг тўртбурчак муҳрининг изи туширилган ва қабул қилиш санаси қурсатилган ҳолда туловчига берилади;

- учинчи нусхаси банк булимининг тўртбурчак муҳр изи туширилган, масъул бажарувчи томонидан имзо, тулов амалга оширилган сана ва қабул қилиш санаси қурсатилган ҳолда туловни олувчига берилади.

Ундириб олувчи ва туловчига бир шаҳар ичидаги турли банклар хизмат қурсатганда ҳам инкасса топшириқномаси 3 нусхада расмийлаштирилиб, ундириб

олувчи томонидан бевосита туловчи корхона банкига топширилади. Инкассо топшириқномасининг алохида нусхалари куйидагича ишлатилади:

- биринчи нусха туловлар амалга оширилгандан кейин банк масъул ижрочиси томонидан имзо, тулов амалга оширилган сана, банкнинг туртбурчак мухри изи туширилган ва қабул қилиш санаси курсатилган холда банкнинг кунлик хужжатлар йигмасига тикилади ва белгиланган тартибда сакланади;

- иккинчи нусхаси ижро хужжатлари билан биргаликда туловчининг ҳисобварағига илова сифатида масъул ижрочи томонидан имзо, тулов амалга оширилган сана, қабул қилиш санаси курсатилган ва банкнинг мухр изи туширилган холда туловчига берилади;

- учинчи нусхаси банк булимининг туртбурчак мухр изи туширилган, масъул ижрочининг имзоси, тулов амалга оширилган сана, қабул қилиш санаси курсатилган холда туловни олувчининг узига инкассо топшириқномасининг ижро учун банк томонидан қабул қилинганлигини тасдиқловчи хужжат сифатида қайтарилади.

Амалиётда шундай ҳоллар ҳам бўладики, бунда туловни ундирувчи ва тулов туловчи турли шаҳарларда жойлашган бўлиб, уларга турли банклар хизмат курсатади. Бундай шаҳарлараро ёхуд, ҳудудлараро операциялар банклараро ҳисоб-китоблар орқали амалга оширилади. Шаҳарлараро ҳисоб-китобларда инкассо топшириқлари ундирувчиларга хизмат курсатувчи банк булимларига ундирувчи томонидан топширилади. Бу ҳолда инкасса топшириғи 3 нусхада расмийлаштирилиб банкка топширилади. Унинг биринчи ва иккинчи нусхалари ижро хужжатлари билан бирга почта алоқаси орқали туловчининг банкига жунатилади. Топшириқномани жунатишдан аввал унга масъул ижрочи томонидан имзо, хужжатнинг қабул қилиниш санаси куйилади ҳамда банкнинг туртбурчак мухр изи туширилади. Инкассо топшириқномасининг учинчи нусхаси банк булимининг туртбурчак мухр изи туширилган, масъул ижрочининг имзоси, қабул қилиш санаси куйилган холда ундирувчига қайтарилади.

Инкассо топшириқномалари бўйича ҳисоб-китобларда бажариладиган бухгалтерия ёзувлари ундирувчи ва тулов туловчиларга хизмат курсатувчи банкларнинг жойлашувига боғлиқ. Агар ҳар икки томонга битта банк булими хизмат

курсатса, инкассо топшириқномасини тулаш куйидаги бухгалтерия ёзуви оркали бажарилади:

Дебет «Туловчи корхонанинг талаб қилингунча сакланадиган депозит» хисобварағи.

Кредит «Ундирувчининг талаб қилингунча сакланадиган депозит» хисобварағи.

Хисобварақ номерлари ундирувчилар ва туловчиларнинг кайси мулкчилик шаклига тегишлигига кўра белгиланади. Бу бухгалтерия ёзуви туловчи корхона хисобварақларидан маблағларнинг ундирувчи томоннинг банкдаги хисобварағига утказилганлигидан далолат беради.

Тулов туловчи ва ундирувчи томонлар бир шаҳар ичидаги турли банклар хизматидан фойдалансалар, ундирувчи томон инкассо топшириғини туловчи банкка 3 нусхада топширади. Топшириқноманинг туғри ва тўлиқ расмийлаштирилганлиги, унинг барча реквезитларининг мавжудлиги, шу билан бирга, туловчининг хисобварағида ушбу топшириқномани тулаш учун пул маблағларининг етарлилиги банк масъул ижрочиси томонидан назорат қилинади. Шундан сунг, биринчи нусха асосида куйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дебет «Туловчи корхонанинг талаб қилингунча сакланадиган депозит» хисобварағи.

Кредит «Туловчи корхонага хизмат қилувчи банкнинг вакиллик хисобварағи».

Тулов электрон тулов тизими оркали Хисоб Марказига утказилади. Инкассо топшириқномаларининг бошқа нусхалари юкорида курсатиб утилганга мувофиқ ишлатилади.

Тулов туловчи ва ундирувчи томонларга турли шаҳардаги турли банклар хизмат курсатсалар, ундирувчига хизмат курсатувчи банк инкассо топшириғини ижро хужжатлари билан биргаликда почта алоқаси оркали туловчига хизмат курсатувчи банкка жунатади. Туловчининг банки келиб тушган хужжатларнинг туланиши мумкинлиги ва туғри расмийлаштирилганлигини текшириб юкорида бухгалтерия ёзувини утказади ва электрон тулов тизими оркали Хисоб-китоб марказига туловни жунатади. Хисоб-китоб маркази оркали тулов ундирувчига хизмат курсатувчи

банкнинг вакиллик ҳисобварағига келиб тушади. Бир вақтнинг узида келиб тушган пул маблағлари ундирувчи томоннинг ҳисобварағига утказилади. Бу операция куйидаги бухгалтерия ёзуви орқали акс эттирилади: Дебет «Ундирувчига хизмат қилувчи банкнинг вакиллик ҳисобварағи» Кредит «Туловни ундирувчининг талаб қилингунча сакланадиган депозит» ҳисобварағи.

Ундирувчи банкида электрон тулов тизими орқали қабул қилинган электрон инкассо топшириқномаси 2 нусхада коғозга чиқарилади. Уларнинг биринчи нусхаси банкнинг муҳр изи ва масъул ижрочининг имзоси қуйилиб, кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади. Иккинчи нусхаси эса банк муҳр изи ва масъул ижрочининг имзоси қуйилган ҳолда ундирувчининг ҳисобварағига илова қилиб берилади.

2.6. Чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби, унинг расмийлаштирилиши ва ҳисоби.

Ўзбекистон Республикаси банклари ҳужалик субъектлари ва аҳоли уртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширади. Товарлар ва курсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоблар утказишда чеклардан фойдаланиш мумкин. Аҳолига банклар томонидан чакана ва кооператив савдо ҳамда хизмат курсатиш ташкилотлари билан товарлар ва бажарилган хизматлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш учун чеклар берилади.

Ҳисоб-китоб чеки бу ҳисобварақ эгаси (чек берувчи) уз ҳисобварағидан олувчининг (чек эгаси) ҳисобварағига чекда курсатилган суммадан маблағларни утказиб бериш учун банкининг махсус бланкасида банкка берган топшириғидир. Чек бланкалари типографик йул билан тижорат банклари буюртмасига кўра уларнинг фаолияти учун етарли бўлган миқдорда тайёрланади. Бунда чеклар белгиланган намунадаги 0505411005 шаклда ҳар бир банк учун алоҳида бўлган банк номи ва фирма белгисидан ташқари барча зарурий реквезитларга эга бўлиши шарт. Ҳисоб-китоб чекларини ёзиб беришда уларнинг бошлангич суммасини тижорат банклари томонидан мустақил равишда аниқланиб, юқори суммаси Республика

Марказий банки томонидан белгиланади. Чекнинг амал қилиш муддати эса тижорат банклари томонидан мустакил белгиланади.

Чеклар омонат куёвчи жисмоний шахснинг депозит хисобварағида сакланаётган маблағлар хисобига ёки топширилган нақд пул суммасига берилади.

Хисоб-китоб чеки 2 қисмдан иборат:

- биринчи қисми хисоб-китоб чеки;
- иккинчи қисми корешок.

Чекнинг корешоги чекнинг биринчи қисмида курсатилган суммаларини тасдиқлаш учун белгиланган назорат рақамларини уз ичига олади. Банк ходими хисоб-чекини беришда қуйидаги реквезитларни тулдириб бериши лозим:

- чек берилган сана;
- чек буйича туланиши лозим бўлган суммани рақамлар ва суз билан;
- хисоб-китоб чекига номи ёзиб берилаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- унинг паспортининг серияси ва номери;
- чек берувчининг депозит хисобварағи номери;
- чек берган банк булимининг номи ва коди;
- чекнинг амал қилиш муддати.

Курсатиб утилган барча реквезитлар тулдирилган сунг, банкнинг масъул ходими хисоб-китоб чеки ва корешокка имзо қуяди ва хисоб-китоб чекининг кесиш чизигида қолган сонлар хисоб-китоб чеки суммасига мос келиши учун хисоб-китоб чеки назорат сонлар хошияси буйича корешокни ажратади ҳамда муҳр билан мустаҳкамлайди. Шундан сунг, чек олувчи мижоз чекни олганлиги ҳақида корешокка уз имзосини қуяди.

Банкнинг масъул ходими алоҳида дафтарга хисоб-китоб чекининг серияси, номери, номига чек ёзиб берилган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва чек суммасини ёзиб қуйиши лозим. Бунда ушбу чек омонат буйича хисобварақда сакланаётган маблағлар ёки депозит хисобварақдан қучирилган ёхуд нақд пулларда қуйилган маблағлар хисобига берилганлигини алоҳида курсатиб утиши шарт.

Банк чек берганда жисмоний шахснинг аризасига кўра чекнинг суммасига 20206 «Жисмоний шахсларнинг талаб қилингунча сакланадиган депозитлари» алоҳида ҳисобварағини очади ва туловлар мана шу ҳисобварагдан амалга оширилади. Масъул банк ходими барча расмийлаштириш ишларини бажаргандан сунг чекни корешоги билан биргаликда кассирга беради. Кассир масъул ижрочидан барча зарурий ҳужжатларни олгандан сунг аввало, ҳужжатларда бажарилган ёзувларнинг туғри расмийлаштирилганлигини текширади ва уларни имзолайди. Агар ҳисоб-китоб чеки нақд пул ҳисобидан расмийлаштирилган бўлса, чекни олувчидан нақд пулларни ва чек учун туловни қабул қилади. Пулнинг туғрилилига ишонч ҳосил қилгач, чек ва омонат дафтарчасининг алоҳида белгиланган жойга уз имзосини қуйиб чекни омонат дафтарчаси билан биргаликда ҳисоб-китоб чекни олувчига топширади. Чекнинг корешок қисми эса операцион кун охирига қадар кассирнинг узида қолади.

Операцион кун охирида банк кассири бандероллардаги ҳисоб-китоб чекларининг корешокларида белгиланган реквезитлар билан, нақд пулларда қабул қилинган суммани ва омонатлар бўйича ҳисобварақлардан ҳисобдан чиқарилган суммани курсатади. Шундан сунг чек корешоғини масъул ижрочига топширади.

Ҳисоб-китоб чекини расмийлаштириш даврида хатога йул қуйилиши мумкин. Агарда ҳисоб-китоб чекини тулдиришда хатога йул қуйилса, унда ушбу чек варакси бузилган ҳисобланади ва унинг урнига ҳисоб-китоб чекининг янги варакси тулдирилади. Бундай ҳолларда ҳисоб-китоб чеки қуйидаги тартибда ҳисобдан чиқарилади:

- харфлар билан ёзилган «Ҳисоб-китоб» сузидан бир қисми қирқиб олинади;
- чек варақасининг уртасига «бузилган» деган устхат ёзилади ва ушбу ёзув ёзилган сана курсатилади;
- чек варағига кассир ва бош бухгалтер томонидан имзо қуйилади.

Тижорат банкларида қабул қилинган чекларнинг ҳисоби қимматбаҳо бланкларнинг ҳаракати ҳисобини юритишга доир дафтарда олиб борилади ва балансдан ташқари қўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича 93609 «Сакланаётган қимматбаҳо буюмлар» ҳисобварағида ҳисобга олиб борилади. Шу кун давомида

ишлатилган чек варақлари чиким ордери буйича 93609 «Сакланаётган кимматбаҳо буюмлар» хисобварағидан хисобдан чиқарилади.

Чекни олган жисмоний шахс сотиб олаётган товари ёки курсатилган хизмат учун хисоб-китоб чеки билан хисоб китоб қилиши мумкин. Хисоб-китоб чекини қабул қилиш ваколатига эга бўлган савдо ташкилоти ходими махсулот тулови учун чекни қабул қилаётганда чек белгиланган намунадаги бланкада расмийлаштирилганлигини назорат рақамлари чекда ёзилган суммага мувофиқлигини, чек муддати утқазиб юборилмаганини, унда банк бўлими муҳрнинг аниқ изи ва банк ходимларининг имзоси мавжудлигини текшириб кўради. Шу билан бирга, чек берувчининг паспортини ҳам олиб чекда курсатилган паспорт серияси ва номерлари билан солиштириб кўради. Чек буйича текширув бажарилгандан сунг хисоб-китоб чекининг орқа томонига савдо ходими савдо ташкилотининг белгисини қўяди. Чек махсулот учун тулов сифатида қабул қилинган бўлиб хисобланади.

Хисоб-китоб чеки савдо ташкилотлари томонидан нақд пулга алмаштирилмайди. Лекин, сотиб олинаётган махсулот қиймати чекда курсатилган суммадан кам бўлса, бу ҳолда савдо ташкилоти ушбу чек суммасининг 25 фоиздан ошмаган миқдордаги қийматини қайтим сифатида қайтиб беради.

Махсулот учун тулов сифатида қабул қилинган чеклар савдо ташкилотлари томонидан уларда хизмат курсатувчи банк бўлимларига пул тушуми билан бирга инкассаторлар орқали топширилади, яъни инкассаторлар белгиланган вақтда банкка келиб савдо ташкилоти ходимлари томонидан тайёрлаб қуйилган инкассаторлик халта ёки сумкаларни олиб кетадилар. Ушбу сумкаларга олдиндан пул тушуми билан бирга хисоб-китоб чеклари жойлаштирилган бўлади.

Банк томонидан қабул қилинган чеклар буйича туловлар қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1.Чек эгаси ва чек берувчига битта банк бўлимида хизмат курсатилганда:

-чек суммаси савдо ташкилотининг хисобварағи кредити ва «Инкассация қилинган пул тушумлари ва чеклар» хисобварағи орқали чек берувчининг хисобварағининг дебетидан утқазилади. Чекнинг асл нусхаси банк масъул

ижрочисининг имзоси, банкнинг туртбурчак мухри изи туширилган ва қабул қилиш санаси курсатилган ҳолда кунлик ҳужжатлар йигмасига тикилади.

2.Чек эгаси ва чек берувчига турли банк булимлари хизмат курсатса:

-чек эгасининг банки чекда курсатилган суммани қабул қилинган чекка асосан чек берувчининг ҳисобварағига утказиб беради. Бир вақтнинг узида тижорат банкларининг электрон ҳисоб-чеклари электрон тулов тизими орқали чек берувчининг банкига жунатилади. Чекнинг асл нусхаси масъул ижрочи томонидан имзо қуйилган, тулов амалга оширилган сана, банкнинг туртбурчак мухр изи туширилган ва қабул қилиш санаси курсатилган ҳолда кунлик ҳужжатлар йигмасига тикилади.

Чек берувчи банки электрон тулов тизими орқали электрон ҳисоб-китоб чекини қабул қилиб олади. Бу банкда чек суммаси электрон ҳисоб-китоб чеки асосида дастурий йул билан автоматлаштирилган тарзда чек берувчининг ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади. Электрон чек банк масъул ижрочиси томонидан имзо қуйилган, банкнинг туртбурчак мухр изи туширилган ҳамда тулов амалга оширилган сана курсатилган ҳолда банкнинг кунлик ҳужжатлар йигмасига тикилади ва белгиланган тартибда сақланади.

Фойдаланмаган ҳисоб-китоб чеки қайтиб банкка топширилиши мумкин. Фойдаланмаган ҳисоб-китоб чеклари банка тақдим қилинганда банкнинг масъул ижрочиси аввало чекнинг ҳақиқийлигини ва ҳужжатни курсатувчи шахснинг паспорти билан текшириб қўради. Агар чек ҳақиқий ва шу паспорт эгасиники бўлса, чекни юз томонида қуйидаги мазмундаги устхатни ёзади: «№ ҳисобвараққа утказинг». Шундан сунг ҳисоб-китоб чеки банкнинг бош бухгалтерига берилади, паспорт эса эгасига қайтарилади.

Банк бош бухгалтерининг рухсати асосида чекда курсатилган сумма банк бухгалтериясида чекда курсатилган ҳисобвараққа утказиб берилади.

2.7. Накд пулсиз ҳисоб-китоблар буйича банк назорати.

Купгина ривожланган мамлакатларда банк тизимлари иқтисодиётнинг бошқа тизимларига нисбатан кучайтирилган назорат ва текширув объектлари ҳисобланади, чунки тижорат банклари уз миқдорлари ҳисобланган давлат ташкилотлари, тижорат

корхоналари ва хусусий шахсларнинг манфаатлари химояланиши учун жавоб беради. Шу сабабли давлат республика банк тизимининг баркарорлиги, бу баркарорлик ҳукукий таъминланиши ва унинг ривожланишидан манфаатдордир. Республика иктисодиётида давлат асосий ислохотчи бўлса, банк тизимида эса бу вазифа Республика Марказий банкига юклатилган. «Марказий банк тўғрисида»ги қонунининг, 3-моддасида қўрсатилгандек, Марказий банкнинг асосий вазифаларидан бири - республикада туловларнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлашдан иборатдир.

Марказий банк тежамкор туловлар тизимини таъминлаш мақсадида миллий туловлар тизимининг якин келгусидаги истикболлари ва ривожланиш стратегиясини белгилайди. Туловлар тизими соҳасида бош молиявий мақсад, жойларда пул маблағларини ҳавфсиз ва самарали утказишдан иборат. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни утказишдаги тежамкорлик масаласи эса туловлар тизими самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан биридир.

Халқ ҳужалигидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Марказий банк томонидан «Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида» Низом ишлаб чиқилди ва 2002 йил 12 январда Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви томонидан тасдиқланди. «Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида»ги Низом фуқаролик кодекси. «Марказий банк тўғрисида»ги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси корхоналари тўғрисида»ги Қонунлар ва Марказий банкнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни тартибга солишчи бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган. Ушбу Низомнинг бир маромда қўлланилиши мамлакатнинг бутун иқтисодий маконида ҳисоб-китобларнинг узлуксизлигини таъминлайди.

Халқ ҳужалигидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг утказилиши устидан назорат Низомда қўрсатиб утилган нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил этиш принципларнинг бажарилишини текширишдан бошланади. Корхона ва ташкилотларнинг пул маблағлари банкдаги депозитлар бўйича ҳисобварақларда сақлангани учун нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг барчаси банклардаги

хисобварақлардан утказилади, бу эса, корхона ва ташкилотларнинг кунлик фаолиятининг банк томонидан назорат қилиб туришга шароит яратади. Шу билан бирга хужаликлар ва юкори ташкилотлар уртасида ҳам узаро назоратни юзага келтиради.

Мулкчилик шакллариининг хилма-хиллигига хужалик юритувчи субъектларнинг фаолияти товар-пул муносабатлари ривожланиши шароитида нақд пулсиз хисоб-китоблар коидалари хужалик органлари томонидан хисоб-китоб шакллариини эркин танлаш принциплардан келиб чиқади ва улар шартномаларда мустахкамланади. Хужалик органларининг шартномавий муносабатларига банк аралашмайди. Хужаликлар узаро хисоб-китобларда Низомда курсатилган истаган нақд пулсиз хисоб-китоб шаклидан фойдаланишлари мумкин. Банк эса нақд пулсиз хисоб-китоблар буйича назоратни нақд пулсиз хисоб-китоб шакли буйича операцияларни амалга ошириш даврида олиб боради. Энг аввало, хисоб-китоб хужжатларини қабул қилишда уларнинг туғри ва тўлиқ расмийлаштирилганлиги ҳамда уз вақтида такдим этилаётганлиги текширилади.

Хисоб-китоб операциялари амалга оширилаётганда асосий эътибор хисоб-китоб хужжатларининг товарлигини назорат қилишга қаратилади. Корхоналарнинг давлат тассаруфидан чиқарилаётган бир вақтда давлатга қарашли корхона ва ташкилотлардан бошқа мулкчилик шаклларига тегишли корхона ва ташкилотларга пул утказишни кучлирок назорат қилишни давр такозо этади. Шу мақсадда, давлат корхоналаридан хусусий корхоналар номига келиб тушган пул маблағлари аввал алохида хисобвараққа утказиб турилади, 3 кун ичида хусусий корхона раҳбарлари томонидан товар жунатилгани, хизматлар бажарилгани ҳақидаги ва бошқа керакли хужжатлар такдим қилишлари лозим. Ушбу хужжатлар банкка такдим қилингандан сунг алохида хисобварақдаги пул маблағлари утказиши лозим булган хисобвараққа утказилади. Агар товар жунатилганлиги ҳақидаги хужжатлар банкка такдим этилмаса, эгасига қайтарилади. Чунки, асоссиз хисоб-китоб хужжатларини такдим қилиш тулов тизимидаги жиддий конунбузарчилик хисоблаланади, ҳамда корхона ва ташкилотларнинг мавқеини ва молиявий фаолиятини издан чиқаради. Банк агар корхона ва ташкилотлар томонидан ноқонуний хисоб-китоблар

расмийлаштирилганлигини аникласа, жарима ундириш ва бошқа чора-тадбирлардан ташқари корхона юқори ташкилоти ва ҳукукий органларни ҳам бу ҳақда хабардор қилади.

Банк муассасалари корхона ва ташкилотларнинг узаро шартнома ва мажбуриятларининг бажарилиши устидан ҳам қисман бўлсада, назорат қиладилар. Лекин банк шартнома шартларининг бўзилиш сабаблари, ёки келиб чиқиш сабабларини аниклашга аралашмайди ва таҳлил этмайди. Шартнома шартларининг бажарилиши, ҳисоб-китобларнинг уз вақтида ташкил этилишини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Халқ ҳужалигида ҳисоб-китобларни уз вақтида утқизиш учун корхона ва ташкилотлар раҳбарлари маъсулиятини ошириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги Фармони алоҳида урин тутади. 1995 йил 12 майда чиқарилган ушбу Фармонга асосан, мулк шаклидан қатъий назар, ҳар қандай корхона ёки ташкилот олинадиган маҳсулот қийматининг албатта 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорини олдиндан тулаши керак. Бу жараён ҳам банк назорати орқали утади. Бундан ташқари, ҳар қандай корхона учун у жунатган маҳсулот ёки курсатган хизматнинг тулов пули 60 кун ичида банкка келиб тушмаса, бу сумма корхонанинг дебиторлик қарзи ҳисобланади. Бундай ҳолга йул қуйган корхона ҳамда бош бухгалтерлари маъмурий, зарур бўлган ҳолларда эса жиной жавобгарликка тортиладилар.

Республикада корхона ва ташкилотлар уртасида тулов интизомини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг яна бир «Ҳисоб-китоблар тизими ҳамда тулов интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1996 йил 24 январдаги Фармони чиқарилди. Фармонда корхона ва ташкилотлар томонидан 15 фоиздан кам бўлмаган аванс туловлари туланиши мажбурийлиги, тулов топширикномаларида қатъий равишда шартнома номери, тулов тартиби; аванс туловининг миқдори курсатилиши шарт қилиб белгиланди. Бундай Фармоннинг чиқарилишига асосий сабаб, халқ ҳужалигида узаро дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларининг мавжудлигидир. Ўзбекистонда узаро дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг юзага келиши объектив ва субъектив омилларга боғлиқ бўлиб, у айрим ҳолларда ҳужаликларни банкрот бўлишига олиб келмоқда ёки

корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнларининг кискаришига, ишчи-хизматчилар иш ҳақининг уз вақтида беролмай қолишига сабаб бўлмоқда. Умуман, дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг қупайиши иқтисодиётда ночор ва қолоқ корхоналарнинг сонини ошишига олиб келади, бу эса уз навбатида бундай корхоналарга хизмат қурсатувчи банк рейтингини пасайтиради.

Ҳозирги кунда республика иқтисодиёти олдида турган долзарб муаммолардан бири дебитор ва кредитор қарздорликлар занжирини ечишдир. Умуман олганда, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар устидан банк назоратини туғри ташкил этиш нафакат банк уз фаолиятини юритишда, балки бутун халқ ҳужалигидаги макроиқтисодий даражадаги курсаткичларнинг ҳолатига, уларнинг динамикасига таъсир қурсатади, халқ ҳужалигидаги тулов тизимини яхшилашга ёрдам беради.

ХУЛОСА

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектларда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ҳисобини тадқиқ қилиш асосида қуйидаги **хулосалар** олинди:

Республикамизда иқтисодиётини ривожланиши, юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳозирги кундаги пул момилиси бўйича жуда кўп ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолининг турмуш тарзини яхшиланиши, аҳоли даромадларини ошиши банкларнинг, корхоналари ва хизмат кўрсатувчи субъектларнинг мавқеининг ўсиши ҳамда улардаги мавжуд активлар хусусан пул маблағларини ҳаракатини ҳисобга олишни такомиллаштирилиши объектив заруриятдир.

Пул маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича вазифаларнинг тўғри аниқланиши, халқаро тажрибаларни амалиётга татбиқ қилиниши, хўжалик субъектлари пул маблағлари билан боғлиқ баъзи муаммолар ҳал этилиши, фойдаланиш мумкин бўлган имкониятларни аниқлаш пул маблағлари ҳисобини ўтказиш тамойилларидан самарали фойдаланишни таъминлайди.

Корхоналарда пул маблағларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш кўп жихатдан уларнинг туркумланишига боғлиқ. Чунки пул маблағларининг қайси манбалардан келиб тушиши ва қайси йўналишлар бўйича сарфланишини таҳлил қилиш асосида улардан самарали ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш мумкин.

Ҳозир амалиётда пул маблағларини қуйидагича туркумланш керак:

- валюта турлари бўйича;
- қайси жойда сақланиши бўйича;
- қайси мақсадларга сарфланиши бўйича;
- қайси манбалардан келиб тушиши бўйича;
- пул маблағлари турлари бўйича.

Республикамиздаги хўжалик юритувчи субъектлар маҳсулотларини нафақат Ўзбекистон республикаси миллий валютаси сўмга балки бошқа хорижий давлатлар валюталарига ҳам сотишлари ва бунини натижасида хорижий давлатлар валюталари операциялари иштирокчилари бўлишлари мумкин. Шунинг учун уларга банкларда валюта маблағлари учун ҳисоб рақамларини очиш имкониятлари берилган.

Пул маблағларини валюталарнинг турлари бўйича гуруҳлаш улар ҳисобини тўғри ташкил қилиш имкониятини беради. Ушбу гуруҳлар корхоналарнинг бухгалтериясида синтетик ва аналитик счетларни юритиш учун асос қилиб олинади ва корхоналарнинг ҳисоб сиёсатининг таркибий қисми бўлган ишчи счетлар режасида ўз аксини топиши керак.

Пул маблағларининг ва уларнинг эквивалентлари қайси жойда сақланиши бўйича қуйидагича туркумлаш мумкин:

- корхона кассасида сақланаётган пул маблағлари.
- банкдаги ҳисоб китоб счётида сақланаётган пул маблағлари.
- банкдаги валюта счётида сақланаётган пул маблағлари.
- банклардаги махсус счетларда сақланаётган пул маблағлари.
- йўлдаги пул маблағлари.
- пластик карталарда сақланаётган пул маблағлари

Ушбу белги бўйича гуруҳлашнинг пул маблағларининг бухгалтерия ҳисобини юритишдаги аҳамияти шу билан тавсифланадики, улар пул маблағлари қаерда қандай суммада кимнинг жавобгарлигида сақланаётганлиги, шунингдек уларнинг ҳаракати тўғрисида аниқ маълумотлар олиш имкониятини беради. Ушбу маълумотлар асосида

корхонанинг бошқарув аппарати пул маблағларидан самарали фойдаланишни таъминловчи самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти вужудга келади.

Ўзбекистонда узаро дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг юзага келиши объектив ва субъектив омилларга боғлиқ бўлиб, у айрим ҳолларда хужаликларни банкрот бўлишига олиб келмоқда ёки корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнларининг кискаришига, ишчи-хизматчилар иш ҳақининг уз вақтида беролмай қолишига сабаб бўлмоқда. Умуман, дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг қупайиши иқтисодиётда ночор ва қолоқ корхоналарнинг сонини ошишига олиб келади, бу эса уз навбатида бундай корхоналарга хизмат курсатувчи банк рейтингини пасайтиради.

Ҳозирги кунда республика иқтисодиёти олдида турган долзарб муаммолардан бири дебитор ва кредитор қарздорликлар занжирини ечишдир. Умуман олганда, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар устидан банк назоратини туғри ташкил этиш нафакат банк уз фаолиятини юритишда, балки бутун халқ хужалигидаги макроиқтисодий даражадаги курсаткичларнинг ҳолатига, уларнинг динамикасига таъсир курсатади, халқ хужалигидаги тулов тизимини яхшилашга ёрдам беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси- Тошкент: Ўзбекистон, 2003
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси-Тошкент Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги,2003
3. Ўзбекистон Республикасининг солиқ Кодекси- Тошкент: Ўзбекистон республикаси Адлия Вазирлиги, 2008
4. Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуни Тошкент: Ўзбекистон
5. Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар ва фон биржаси тўғрисида”ги қонуни -Тошкент: 02.09.1993
6. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни Тошкент: 01.04.2016
7. Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни Тошкент: 09.12.1992
8. Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қўғозлар бозори тўғрисида”ги қонуни Тошкент:22.07.2008
9. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида”ги қонуни Тошкент:26.04.1996
10. Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни Тошкент: 30.08.2001
11. Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида”ги қонуни Тошкент: 25.04.1996
12. Ўзбекистон Республикаси Призедентининг 18.11.2012 даги “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарнинг молиявий барқарорлигини яна ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4053-сон фармони

13. Ўзбекистон Республикаси Призедентининг 28.11.2012 даги “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4058-сон фармони
14. Ўзбекистон Республикаси Призедентининг 27.09.2006 даги “Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-475-сон қарори
15. Каримов.И.А. ”Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўлари ва чоралари”Тошкент: Ўзбекистон.2013. 56-б.
16. Каримов.И.А.”Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохатлар йўлида изчил бориш-асосий вазифамиз”.”Халқ сўзи” 10.02.2004
17. Каримов.И.А.”Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохатлар йўлида изчил бориш-асосий вазифамиз”.”Халқ сўзи” 11.02.2006
18. Каримов.И.А. “Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида” Тошкент: Ўзбекистон. 2005. 528-б
19. Вазирлар Маҳкамасининг 2013-йил 29-январдаги “Давлат активларини сотиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 27- сонли қарори
20. Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 5-февралдаги “Маҳсулот(иш,хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом 54-сонли қарори.
21. Бутунив И.”Қимматли қоғозлар бозори” Тошкент: Консаудитинформ 2001-йил
22. Тадбиркор қимматли қоғозлар бозорида: Саволлар ва жавоблар. Тадбиркорларга қўлланма. Тошкент. Ўзбекистон адлия вазир
23. Сирожиддинов И, ЮлдошевА.,”Ақсиядорлик жамиятини ташкил этиш ва бошқариш” Наманган,2001.
24. Отахонов Ф. “Ақсиядорлик жамиятлари”- Тошкент:Адолат. 1996.

25. Умаров М., Эшбоев Э. Аҳмаджонов К. “Бухгалтерия ҳисоби” дарслик – Тошкент: ЎАЖБНТ Маркази. 2004.
26. Дўстмуродов Р.Д. “Аудит” дарслик-Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриёти, 2003.
27. Маслегенов Ю.С. Финансовый менеджмент в коммерческом банке.- М.ЮИИТИ. 1996.
28. “Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби” 1-12. 2015.1-3.2016
29. “Пул, кредит ва банк” 1-12. 2015.1-3.2016
30. “Ўзбекистон иқтисодий Ахборотномаси” 1-12. 2015.
31. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. Дарслик. Т.: “Иқтисод-Молия”, 2007
32. Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўр сатиш механизми тўғрисида”ги қонуни Тошкент: 25.04.1996
- www.cb.uz
- www.agrobank.uz
- www.pul.uz
- www.uzbekembassy.org
- www.mba.uz